

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК

ТУРҒУНОВ ЖАҲОНГИР МАЪМУРОВИЧ

**“Алишер Навоийнинг “Хамса”
асаридаги ахлоқий ғоялари”.**

5А 220313 ЗАМОНАВИЙ ШАРҚ ФАЛСАФАСИ ВА
ТАРИХИ

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар: ф.ф.д. проф. Ҳ. Алиқулов

Тошкент – 2011

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “ХАМСА” АСАРИДАГИ АХЛОҚИЙ ҒОЯЛАРИ.

КИРИШ	1
I.БОБ: Алишер Навоийнинг ижтимоий-ахлоқий қарашларининг муҳим хусусиятлари, ғоявий манбалари ва фалсафий асослари.....	5
I.1 §. А.Навоий ижтимоий-ахлоқий ғояларининг муҳим хусусиятлари..	5
I.2 §. Мутафаккирнинг ахлоқий қарашларининг ғоявий манбалари ва фалсафий асослари.....	20
II.БОБ: “Хамса” дostonларидаги адолат ғояси ва таълим-тарбия масаласи..	26
II.1 §. “Ҳайратул аброр” дostonида адолат ғояси.....	26
II.2 §. “Фарход ва Ширин” дostonида таълим-тарбия масаласи.....	33
III.БОБ. Ишқ-муҳаббат ва ижтимоий-сиёсий қарашларнинг “Хамса” дostonларидаги талқини ва уларнинг ахлоқий аҳамияти.	44
III.1 §. “Лайли ва Мажнун” дostonларидаги ишқ- муҳаббат тараннуми.....	44
III.2 §. “Хамса” асаридаги ижтимоий-сиёсий ғоялар.....	59
ХУЛОСА	71
ҒОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	74

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: Мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи, унинг тараққиёти ва равнақи, буюк давлатга айланиши – илм-фан ривожини ва техник тақомилига, яъни жамият асосларини барпо қилишга сафарбар қилинган Ўзбекистон халқининг маънавий-ахлоқий баркамоллиги, ақлий салоҳиятининг етуқлигига бевосита боғлиқдир. Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек “Илмга, ижодга, кашф этишга интилиш – бу олийжаноб интилишдир... Чунки мамлакатнинг иқтисодий кудратини, унинг эртанги кунини, бориники, тақдирини ҳам пировард натижада ақл-заковат, маънавият ҳал қилада”¹.

Алишер Навоий ижоди ўз замонасидан бошлаб ўрганила бошланди ва ўтган V асар давомида ўз қийматини йўқотмай келмоқда. Бунинг сабаби унинг ижодининг бетакрорлиги, сержилолиги ва мисралардаги сўзлар шунчаки бир-бирига ҳамоҳанг, қофиядош бўлибгина қолмай, ўз ўқувчисининг ақл тарозисига қараб турлича маъно акс эттиришидир. Бу бир моҳироналик билан ёзилганлиги туфайли ўқувчисининг таъбига, улар томонидан турли фикрларни туғилишига замин ҳозирлайди. Шу нуқтаи-назардан Навоий ижодига ҳар даврнинг талабига қараб, турлича баҳо бериб келинди. Мустақиллик йилларида эса, унинг ижодининг моҳиятини холисона очиб бериш муҳим масала бўлиб келмоқда. 500 йиллик ижод намуналари эскирмаслик сирини топиш вазифаси қўйилмоқда.

Шу билан бирга юқорида таъкидлаганимиздек, Навоий ҳақида сўз юритиш ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Мавзунинг долзарблиги ҳам мана шунда.

Мавзунинг мақсади ва вазифалари: Алишер Навоийнинг “Хамса” асаридаги ахлоқий ғоялари мавзуида ёзилаётган мазкур магистрлик

¹ Каримов И.А Бунёдкорлик йўлида, Т., “Ўзбекистон” Т 5. 88-бет.

диссертациясининг мақсад ва вазифалари “Хамса” дostonларининг ахлоқий мазмун-моҳиятини очиб бериш, Навоийнинг ахлоқий қарашларини шаклланишидаги омилларга тўхталиш, ахлоқий жиҳатдан дostonларнинг ўхшашлиги ва алоҳидалигини кўрсатиш, ахлоқий тамойиллар ҳамда асар қаҳрамонлари қиёфаларида тажассум топган адолат, садоқат, бурч, муҳаббат, раҳм-шафқат, мардлик, камтарлик сингари фазилатларни ва уларни акси бўлган иллат ва камчиликларни мавзудан четлашмаган ва фалсафийлик диққат эътиборидан чолғимаган ҳолда ёритишдир.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси: Алишер Навоий ижоди қанчалик улкан бўлса, у қолдирган мерос атрофида олиб борилган тадқиқотларнинг ҳам ҳисоби йўқ. Ҳар бир соҳа вакили ўз саволига Навоий ижодидан жавоб излаб келмоқда. Фалсафа ҳам бундан мустасно эмас, балки, фалсафа савол билан мурожаат қилувчиларнинг аввалида туради. Бу табиий албатта, агар мутолаа қилувчининг фалсафий мушоҳадаси бўлмаса, бундай ҳолда фақат гўзал бир ғазал ёки шеър ўқиш билан чекланиш мумкин.

Шу нуқтаи-назардан фалсафа илми билимдонларининг аксарияти Навоийга қизиқиш билан қаради ва ўз изланишларида бунга алоҳида тўхталиб ўтишган. Масалан: В. Зоҳидов рус тилида нашр этилган “Мир идей и образов Алишера Навои” ва ўзбек тилидаги “Ўлмас халқ даҳоси” китоблари билан, М. Ҳайруллаев “Алишер Навоий дунёқарашининг ғоявий манбалари” номли ишлари билан ва И.Мўминов таҳрири остида чиққан бир қатор китобларда Навоий ижодининг фалсафий жиҳатлари кенг ёритиб берилган. Рус ва бошқа миллат вакилларидан эса Е. Э. Бертельс бир қанча китоблар, В.В. Бартольд “Мир-Али-Шер и политическая жизнь” китобларини ёздилар.

Бу ишлар мустақиллик йилларида ҳам тўхтаб қолгани йўқ.

Мавзунинг предмети ва объекти: Магистрлик диссертацияси учун танлаб олинган тадқиқот объекти бўлиб Навоийнинг “Хамса” асаридаги қарашлари ва предмети сифатида Навоийнинг ахлоқий ғоялари хизмат

килади. Мазкур ишни ёритишда Алишер Навоийнинг “Мукаммал асарлари

тўплами”дан жой олган “Хамса” ва унинг дostonлари танлаб олинган. Мазкур дostonларни маъносига етиб боришда фалсафий манбалардан ва “Хамса” доирасида олиб борилган ишлардан фойдаланилган. Хулоса беришда эса бевосита “Мукаммал асарлар тўплами”га таянилган.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий асоси: Магистрлик диссертациясининг назарий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, мазкур ишда ўрганиш учун қўйилган вазифа ва муаммолар шарқшунос талабаларга Алишер Навоийнинг “Хамса” асари, асар дostonларининг ахлоқий моҳияти ва аҳамиятини ўрганишда қўшимча маълумот сифатида хизмат қилади.

Тадқиқотга узоқ йиллар давомида шаклланган Навоийшунослик мезонлари, файласуфлар томонидан бир тизимга солинган ахлоқий назариялар ва мустақилликдан сўнг Навоий ижодига теранроқ назар солиш талаби қўйилган Президентимиз рисоалари методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: Алишер Навоийнинг “Хамса” асари доирасида олиб борилган изланишларга назар солинганда биз танлаб олган мавзу юзасидан яққол бир изланиш кўринмайди. Кўп ҳолларда умумий фикр билдирилади ёки “Хамса” дostonларининг айрим жиҳатларига алоҳида ҳолатларда тўхталиб ўтилади. Мазкур ишда “Хамса” асарининг тўлақонли ахлоқий жиҳатини очиб берилиши ишнинг илмий янгилигини белгилайди.

Тадқиқотнинг тузилиши: Ушбу магистрлик диссертацияси Кириш, ҳар бири иккитадан фаслларни ўз ичига олган уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

Алишер Навоий ижтимоий-ахлоқий қарашларининг муҳим хусусиятлари, ғоявий манбалари ва фалсафий асослари, деб номланган биринчи боби Навоий ижтимоий-ахлоқий қарашларининг муҳим хусусиятлари ва Мутафаккирнинг ахлоқий қарашларининг ғоявий манбалари ва фалсафий асослари каби фаслларга бўлинган ҳолда “Хамса” асарига

юқоридаги масалалари бўйича умумий ёндашилади. “Хамса” асаридан жой олган дostonларга қисқача тўхталиб ўтилади.

“Хамса” дostonларидаги адолат ғояси ва таълим-тарбия масаласи номли иккинчи бобда “Ҳайратул аброр” дostonи мисолида адолат ғояси ва “Фарход ва Ширин” дostonи мисолида Алишер Навоийнинг таълим-тарбия масалаларига муносабати очиб берилади. Ҳар бири алоҳида фаслларда баён этилади.

Учинчи боб эса, Ишқ-мухаббат ва ижтимоий-сиёсий қарашларнинг “Хамса” дostonларидаги талқини ва уларнинг ахлоқий аҳамияти, деб номланган ҳолда биринчи фаслда “Лайли ва Мажнун” ва “Сабъаи сайёр” дostonларидаги ишқ-мухаббатга доир масалалар ва иккинчи фаслда «Хамса» асаридаги ижтимоий-сиёсий қарашлар баён этилади.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: Мустақил Ўзбекистоннинг истикболи, унинг тараққиёти ва равнақи, буюк давлатга айланиши – илм-фан ривожини ва техник тақомилига, яъни жамият асосларини барпо қилишга сафарбар қилинган Ўзбекистон халқининг маънавий-ахлоқий баркамоллиги, ақлий салоҳиятининг етуқлигига бевосита боғлиқдир. Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек “Илмга, ижодга, кашф этишга интилиш – бу олийжаноб интилишдир... Чунки мамлакатнинг иқтисодий қудратини, унинг эртанги кунини, бориники, тақдирини ҳам пировард натижада ақл-заковат, маънавият ҳал қилада”².

Алишер Навоий ижоди ўз замонасидан бошлаб ўрганила бошланди ва ўтган V асар давомида ўз қийматини йўқотмай келмоқда. Бунинг сабаби унинг ижодининг бетакрорлиги, сержилолиги ва мисралардаги сўзлар шунчаки бир-бирига ҳамоҳанг, қофиядош бўлиб қолмай, ўз ўқувчисининг ақл тарозисига қараб турлича маъно акс эттиришидир. Бу бир моҳироналик билан ёзилганлиги туфайли ўқувчисининг таъбига, улар томонидан турли фикрларни туғилишига замин ҳозирлайди. Шу нуқтаи-назардан Навоий ижодига ҳар даврнинг талабига қараб, турлича баҳо бериб келинди. Мустақиллик йилларида эса, унинг ижодининг моҳиятини холисона очиб бериш муҳим масала бўлиб келмоқда. 500 йиллик ижод намуналари эскирмаслик сирини топиш вазифаси қўйилмоқда.

Шу билан бирга юқорида таъкидлаганимиздек, Навоий ҳақида сўз юритиш ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Мавзунинг долзарблиги ҳам мана шунда.

Мавзунинг мақсади ва вазифалари: Алишер Навоийнинг “Хамса” асаридаги ахлоқий ғоялари мавзуида ёзилаётган мазкур магистрлик

² Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлида, Т., “Ўзбекистон” Т 5. 88-бет.

диссертациясининг мақсад ва вазифалари “Хамса” дostonларининг ахлоқий мазмун-моҳиятини очиб бериш, Навоийнинг ахлоқий қарашларини шаклланишидаги омилларга тўхталиш, ахлоқий жиҳатдан дostonларнинг ўхшашлиги ва алоҳидалигини кўрсатиш, ахлоқий тамойиллар ҳамда асар қаҳрамонлари қиёфаларида тажассум топган адолат, садоқат, бурч, муҳаббат, раҳм-шафқат, мардлик, камтарлик сингари фазилатларни ва уларни акси бўлган иллат ва камчиликларни мавзудан четлашмаган ва фалсафийлик диққат эътиборидан чолғимаган ҳолда ёритишдир.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси: Алишер Навоий ижоди қанчалик улкан бўлса, у қолдирган мерос атрофида олиб борилган тадқиқотларнинг ҳам ҳисоби йўқ. Ҳар бир соҳа вакили ўз саволига Навоий ижодидан жавоб излаб келмоқда. Фалсафа ҳам бундан мустасно эмас, балки, фалсафа савол билан мурожаат қилувчиларнинг аввалида туради. Бу табиий албатта, агар мутолаа қилувчининг фалсафий мушоҳадаси бўлмаса, бундай ҳолда фақат гўзал бир ғазал ёки шеър ўқиш билан чекланиш мумкин.

Шу нуқтаи-назардан фалсафа илми билимдонларининг аксарияти Навоийга қизиқиш билан қаради ва ўз изланишларида бунга алоҳида тўхталиб ўтишган. Масалан: В. Зоҳидов рус тилида нашр этилган “Мир идей и образов Алишера Навои” ва ўзбек тилидаги “Ўлмас халқ даҳоси” китоблари билан, М. Ҳайруллаев “Алишер Навоий дунёқарашининг ғоявий манбалари” номли ишлари билан ва И.Мўминов таҳрири остида чиққан бир қатор китобларда Навоий ижодининг фалсафий жиҳатлари кенг ёритиб берилган. Рус ва бошқа миллат вакилларида эса Е. Э. Бертельс бир қанча китоблар, В.В. Бартольд “Мир-Али-Шер и политическая жизнь” китобларини ёздилар.

Бу ишлар мустақиллик йилларида ҳам тўхтаб қолгани йўқ.

Мавзунинг предмети ва объекти: Магистрлик диссертацияси учун танлаб олинган тадқиқот объекти бўлиб Навоийнинг “Хамса” асаридаги қарашлари ва предмети сифатида Навоийнинг ахлоқий ғоялари хизмат қилади. Мазкур ишни ёритишда Алишер Навоийнинг “Мукамал асарлари

тўплами”дан жой олган “Хамса” ва унинг дostonлари танлаб олинган. Мазкур дostonларни маъносига етиб боришда фалсафий манбалардан ва “Хамса” доирасида олиб борилган ишлардан фойдаланилган. Хулоса беришда эса бевосита “Мукаммал асарлар тўплами”га таянилган.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий асоси: Магистрлик диссертациясининг назарий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, мазкур ишда ўрганиш учун қўйилган вазифа ва муаммолар шарқшунос талабаларга Алишер Навоийнинг “Хамса” асари, асар дostonларининг ахлоқий моҳияти ва аҳамиятини ўрганишда қўшимча маълумот сифатида хизмат қилади.

Тадқиқотга узоқ йиллар давомида шаклланган Навоийшунослик мезонлари, файласуфлар томонидан бир тизимга солинган ахлоқий назариялар ва мустақилликдан сўнг Навоий ижодига теранроқ назар солиш талаби қўйилган Президентимиз рисоалари методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: Алишер Навоийнинг “Хамса” асари доирасида олиб борилган изланишларга назар солинганда биз танлаб олган мавзу юзасидан яққол бир изланиш кўринмайди. Кўп ҳолларда умумий фикр билдирилади ёки “Хамса” дostonларининг айрим жиҳатларига алоҳида ҳолатларда тўхталиб ўтилади. Мазкур ишда “Хамса” асарининг тўлақонли ахлоқий жиҳатини очиб берилиши ишнинг илмий янгилигини белгилайди.

Тадқиқотнинг тузилиши: Ушбу магистрлик диссертацияси Кириш, ҳар бири иккитадан фаслларни ўз ичига олган уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

Алишер Навоий ижтимоий-ахлоқий қарашларининг муҳим хусусиятлари, ғоявий манбалари ва фалсафий асослари, деб номланган биринчи боби Навоий ижтимоий-ахлоқий қарашларининг муҳим хусусиятлари ва Мутафаккирнинг ахлоқий қарашларининг ғоявий манбалари ва фалсафий асослари каби фаслларга бўлинган ҳолда “Хамса” асарига юқоридаги масалалари бўйича умумий ёндашилади. “Хамса” асаридан

жой олган дostonларга қисқача тўхталиб ўтилади.

“Хамса” дostonларидаги адолат ғояси ва таълим-тарбия масаласи номли иккинчи бобда “Ҳайратул аброр” дostonи мисолида адолат ғояси ва “Фарҳод ва Ширин” дostonи мисолида Алишер Навоийнинг таълим-тарбия масалаларига муносабати очиб берилади. Ҳар бири алоҳида фаслларда баён этилади.

Учинчи боб эса, Ишқ-муҳаббат ва ижтимоий-сиёсий қарашларнинг “Хамса” дostonларидаги талқини ва уларнинг ахлоқий аҳамияти, деб номланган ҳолда биринчи фаслда “Лайли ва Мажнун” ва “Сабъаи сайёр” дostonларидаги ишқ-муҳаббатга доир масалалар ва иккинчи фаслда «Хамса» асаридаги ижтимоий-сиёсий қарашлар баён этилади.

I.БОБ: АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “ХАМСА” АСАРИДАГИ ИЖТИМОЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ МУҲИМ ХУСУСИЯТЛАРИ, ҒОЯВИЙ МАНБАЛАРИ ВА ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

I.1 §. А.Навоий ижтимоий-ахлоқий ғояларининг муҳим хусусиятлари.

Алишер Навоий улкан лирик шоиргина бўлиб қолмай, балки шу билан бирга буюк эпик шоир – дostonнавис ҳамдир. Лирик поэзияда катта тажриба тўплаб, Мовароуннахр, Хуросон ва бошқа ўлкаларда кенг шуҳрат қозонган Навоий эпик асарлари билан янада мислсиз катта муваффақиятларга эришди. Унинг «Хамса»си жаҳон адабиётининг ўлмас обидаларидан бири бўлди, хамсачилик анъаналарида янги ва улкан бир ҳодиса бўлиб қолди.

Хамсачилик Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиётида узоқ ва мураккаб тарихга эга бўлган адабий анъана. Бу анъана улуғ озарбайжон шоири ва мутафаккири Низомий Ганжавийнинг (1141-1203) адабий фаолияти билан бошланди. Низомийнинг «Хамса» си фақат озарбайжон адабиётидагина эмас, балки Яқин ва Ўрта Шарқ ўлкалари адабиётида ҳам янги боб очди. Низомийдан кейин, хамса яратиш кучли адабий анъанага айланди. Хамса яратиш учун беш дoston ёзишнинг ўзи кифоя қилмас эди. Бу дostonлар номи, жанри, вазни, сюжети ва образлари билан Низомий дostonларига монанд бўлиши ва айнаи чоғда янги, ўзига хос хамса бўлиши, бошқача айтганда, сўз санъати тараққиётида улкан бир қадам, янги поғона бўлиши керак эди. Бу жуда мураккаб ва талабчан анъана эди. Бинобарин, ўнлаб шоирлар хамса яратган бўлсалар ҳам, кўпчилиги Низомий билан ижодий олишувга бардош беролмади. Фақат уч шоир: форсигўй, улуғ ҳинд шоири Хусрав Дехлавий (1253-1325), улуғ тожик шоири ва мутафаккири Абдурахмон Жомий (1414-1492) ва Навоийгина Низомий қаторидан ўрин

олишга мушарраф бўлдилар.

Хамсачилик анъанаси XV асрда янада кенг тус олди. У алоҳида шоирлар учун ҳам, маълум халқлар ва даврлар адабиёти учун ҳам катта имтихон бўлди. Навоий «Мажолисун нафоис» да бир неча замондошларининг «Хамса»га ёки унинг айрим дostonларига эргашиб асарлар яратганини айтади. Чунончи: Мавлоно Ашраф «Хамса» ёза бошлаган, лекин уни тугатолмаган; Али Оҳий «Хамса» га хос бир неча дoston битган; Мавлоно Котибий «Хамса» сани охирига етказолмаган; Мавлоно Фасех Румий Низомийнинг «Махзанул асрор»ига эргашиб дoston яратган; Хожа Ҳасан Хизршоҳ «Лайли ва Мажнун»га жавобан «Зайд ва Зайнаб» дostonини ёзган; Мавлоно Абдулла «Хамса» нинг «Лайли ва Мажнун», «Хисрав ва Ширин» ва «Ҳафт пайкар» ига эргашиб дostonлар яратган ҳамда «Искандарнома» га жавобан «Зафарнома» ёзган; Хожа Имод «Лайли ва Мажнун» дostonини битган. Аммо бу шоирларнинг бирортаси мукамал хамса яратишга, Низомий ва Хусрав Дехлавийларнинг қаторидан ўрин олишга муяссар бўла олмади. Лекин XV асрда бирданига икки буюк хамсанавис етишди. Булардан бири улуғ тожик шоири ва мутафаккири Абдурахмон Жомий бўлса, иккинчиси улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий эди.

XV аср ўзбек классик адабиёти олдига бир қатор катта ва масъулиятли вазифаларни қўйди. Шулардан бири ўзбек тилида хамса яратиш эди. Ўзбек китобхонларининг ўсиб бораётган эҳтиёжи, ўзбек адабий тили ва ўзбек адабиётининг тараққийси ҳамда истиқболи шуни талаб қилар эди. Бундай катта ва масъулиятли ишга фақат Навоийгина киришди. Навоий «Хамса» си уч юз йиллик тажриба ва анъанага эга бўлган хамсачилик тараққиётида янги ва йирик воқеа бўлди.

Навоий устоз хамсанависларнинг юксак санъаткорлигини эътироф қилади ва шарафлайди, уларнинг адабий тажрибасидан таълим олади. Дostonларининг муқаддима қисмида Низомий ва Хусрав Дехлавийга ҳамда

Ўзи билан деярли бир вақтда ҳамса яратган Абдурахмон Жомийга бағишлаб махсус боблар ёзиб, уларни улуғлайди. У:

Йўлдаса бу йўлда Низомий йўлум,
Кўлдаса Хусрав била Жомий кўлум³,—

деб улардан мадад тилайди. Бироқ Навоий ҳеч қачон ҳамсанавис салафларининг дostonларини такрорлашга ёки уларга тобеларча таклид қилишга интилмайди. У ўз олдига янги ва ўзига хос ҳамса яратиш вазифасини қўяди. Буни Навоий бот-бот таъкидлайди. Жумладан, у «Фарход ва Ширин» нинг муқаддимасида бундай дейди:

...Ани назм этки тархи тоза бўлғай,
Улусқа майли беандоза бўлғай.

Йўқ эрса назм қилғонни халойиқ,
Мукаррар айламак сендин не лойиқ?

Хуш эрмас эл сўнгинга рахш сурмак⁴,
Йўликим, эл югурмиштур югурмак...⁵

Хамсанавис салафларининг ижодий ютуқларини эътироф қилган ва шарафлаган Навоий уларнинг дostonларидаги нуқсонларга бефарқ қарамайди. У салафларининг жузъий камчиликларини эмас, балки жиддийроқ камчиликларини топади ва холисона танқид қилади.

Навоий «Хамса» ни яратишда тарихий манбалардан ва хусусан халқ оғзаки ижоди бойликларидан, халқ афсоналари, эртаклари, қўшиқлари, мақол ва ҳикматли сўзлари ҳамда халқ асарларининг бадий услубидан моҳирлик

³ Алишер Навоий, Хамса, Т., 1960, 456-бет

⁴ Р а х ш с у р м а к – от солмоқ, от кўймоқ, от билан чопмоқ. “Навоий асарлари луғати” Т.: 1972. 567 бет.

⁵ Алишер Навоий, Хамса, Т., 1960. 377-бет

билан фойдаланди. Шоир «Фарход ва Ширин» да «Иқболи саодат» тилидан ўзига хитоб қилиб айтган эди:

...Агарчи назми дилкаш тушса масмуъ⁶,
Анинг афсонаси ҳам бўлса матбуъ⁷.

Бурун жамъ эт, неким бўлғай таворих⁸,
Борида иста бу фархунда⁹ тарих,

Топилғай шояд андоғ бир неча сўз,
Сўз айтур элга ул ён тушмагай кўз...¹⁰

Навоий жуда оғир ва жуда масъулиятли ишга киришган эди. У Яқин ва Ўрта Шарқ ўлкаларида устоз сўз санъаткори сифатида шуҳрат топган Низомий ва Хусрав Дехлавий билан ижодий баҳслашди. Бу жуда катта билим ва юксак адабий дидни, истеъдод ва қобилиятни талаб этар эди. Шунинг учун ҳам Навоий «Фарход ва Ширин»да

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,
Низомий панжасиға панжа урмоқ...

Керак шер оллида шери жанги,
Агар шер ўлмаса, бори паланги,—¹¹

дейди. У оғир ва масъулиятли бу вазифани шараф билан бажарди, адабиёт майдонида шер билан олишган шер бўлиб чиқди.

Навоий хамсанавис салафларига ижодий ёндашди, дostonларида яшаган тарихий шароитнинг муҳим масалаларини мавзу қилиб олди, эл-юрт

⁶ М а с м у ъ – эшитилган. “Навоий асарлари луғати” Т.: 1972. 345 бет.

⁷ Алишер Навоий, Хамса, Т., 1960. 463-бет

⁸ Т а в о р и х – Тарихлар. “Навоий асарлари луғати” Т.: 1972. 678 бет.

⁹ Ф а р х у н д а – кутлуғ, саодатли, бахтли, қувончли. “Навоий асарлари луғати” Т.: 1972. 648 бет

¹⁰ Алишер Навоий, Хамса, Т., 1960. 369-бет

¹¹ Алишер Навоий, Хамса, Т., 1960. 412-бет

учун муҳим аҳамиятга молик масалалар ҳақида фикр юритди, унинг ақл-заковати келажакка парвоз этиб, инсоннинг истиқболига катта умид билан боқди, ҳаёт ҳақиқати романтик орзу-армонлари билан чатишди, қаҳрамонлари умумбашарий хислатлар билан камол топди. Навоий «Хамса»сининг улуғворлиги, шон-шуҳрати ва оламшумуллиги ҳам шунда.

«Хамса»си ҳақида Навоий фахр билан қуйидаги мисраларни битишга тўла ҳақли эди:

Низомий олса Бардаъ бирла Ганжа,
Қадам Рум аҳлиға ҳам килса ранжа;

Чекиб Хусрав доғи тиғи забонни,
Юруб фатҳ айласа Ҳиндустонни.

Яна Жомий Ажамда урса навбат,
Арабда доғи чолса кўси шавкат.

Агар бир қавм, гар юз, йўкса мингдур,
Муайян турк улуси худ менингдур.

Олибмен тахти фармонимда осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон

Хуросон демаким, Шерозу Табрез,
Ки қилмишдур найи килким шакаррез.

Кўнгул бермиш сўзимга турк жон ҳам,
Не ёлғуз турк, балким туркмон ҳам...¹²

Навоий «Хамса» си XV асрнинг ўзидаёқ атоқли сўз санъаткорларининг юксак баҳоси ва тақдирига сазовор бўлди. Жумладан, Абдурахмон Жомий «Хирадномаи Искандар» достонининг хотимасида Навоийнинг «Хамса»си ҳақида бундай деган эди:

¹² Алишер Навоий, Хамса, Т., 1960. 256-бет.

...Бу бешларга аввал бошлаб уриб панжа,
Хуш хабарлар келтирганнинг юрти Ганжа;

Лекин туркий тилда келди бу нақш ажаб,
Бу сўз Даман жодусида боғлагай лаб.

Осмондин мақтов ёғсин у қаламга,
У қаламдин келди гўзал сўз оламга.

Кечирсинлар форсий тилда дур терганлар,
Дари тилда назм инжусин келтурганлар,

Агар ул ҳам назмин ёзса дари тилда,
Қолмас эди сўз айтишга куч ҳеч элда...

Сўзамоллик майдонига сен сурдинг от,
Қайта бошдан сўзнинг юзи порлади бот.

Сенинг ақлу фикринг била сафо топди,
Эй Навоий, лутфинг билан наво топди¹³.

Навоий «Хамса» сининг биринчи достони «Ҳайратул аброр» фалсафий-таълимий достондир. Навоий бу достонида фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий қарашларини баён этиш, кишиларга таълим ва ўғит бериш мақсадини ўз олдига қўяди. Одатда бундай достонда, кўпинча, мавзу бирор воқеани ҳикоя қилиш асосида эмас, балки ёзувчи фикр-мулоҳазаларининг баёни асосида ёритилади. Бу ҳолат «Ҳайратул аброр» нинг жанрига хос иккинчи хусусиятни вужудга келтиради: лирик ифодани, тавсиф ва таърифни асосий ва етакчи ифода усулига, эпик тасвирни эса ёрдамчи усулга айлантиради. Достоннинг тузилиши ҳам шунга мувофиқ бўлиб, ҳар бир боб муайян бирор масалага бағишланади. «Ҳайратул аброр» 64 бобга бўлинган бўлиб, 20 боб мақолот ва унга илова қилинган 20 ҳикоя (ёки масал) достоннинг асосий қисмини ташкил этади, қолган боблар муқаддима ва хотимадир.

¹³ Абдурахмон Жомий «Хирадномаи Искандар» Т., 1974. 56-бет

Достон бобларида қўйилган масалаларни шартли равишда уч туркумга ажратиш мумкин: 1. Фалсафий масалалар; 2. Ижтимоий-сиёсий масалалар; 3. Ахлоқий-таълимий масалалар.

Шоир ҳақсизлик ва жаҳолатга, худбинлик ва маишатпарастликка, хусумат ва адоватга қарши ҳамла қилади, золим подшоларни, худбин амалдорларни, риёкор шайхларни, мунофиқ кози ва муфтиларни аччиқ танқид остига олиб, эл-юрт, фақир-фуқаронинг аҳволига ачинади, уларнинг фаровон ва бахтиёр бўлишини истайди. Навоий бу истак-орзуга кишиларнинг хулқ-атворини тарбиялаш ва адолатли подшо бошлиқ марказлашган давлат вужудга келтириш орқали эришиш мумкин, деб ҳисоблайди. Навоийнинг айтишича, подшо ва унинг амир-амалдорлари икки турли: «яхши» (одил, ориф) ва «ёмон» (золим, жоҳил) бўлиши мумкин. Одил ва ориф подшоларни мақтаган, тўғрироғи, ўшандай кишиларни орзу қилган Навоий золим ва жоҳил подшоларни, амир-амалдорларни қаттиқ танқид қилади, қоралайди. Мамлакат ва халқнинг тақдирини уларнинг фаолияти ва хатти-ҳаракати оқибатига боғлайди:

Шоҳки иши адл ила бунёд этар,
Адл бузук мулкни обод этар.

Кофири одил ани обод этиб,
Мўъмини золим ани барбод этиб¹⁴.

Алишер Навоий «Ҳайратул аброр» нинг бир неча бобини бевосита ахлоқ-одоб ва таълим-тарбия масалаларига бағишлайди.

Навоий инсоннинг меҳнатга муҳаббат, ростгўйлик, садоқат, тўғрилиқ каби олижаноб хислатларини улуғлайди. У тамагир, очкўз кишиларни фош қилиб, меҳнат билан яшашнинг афзаллигини кўрсатмоқ учун сахий Ҳотам ҳақида бир ҳикоя келтиради. Ҳикоятда ўтин териб, кун кечирувчи камбағал

¹⁴ Алишер Навоий, Хамса, Т., 1960. 463-бет.

бир чолнинг сахий Ҳотамдан олийҳимматроқ эканлиги айтилади. Чол Ҳотамга:

Сен доғи чеккил бу тикан меҳнатин,
Тортмағил Ҳотами Той миннатин

Бир дирам олмоқ, чекибон даст ранж,
Яхшироқ андинки, биров берса ганж,¹⁵

дейди.

Навоий камтарлик, саховат, ҳиммат, марҳамат, садоқат, тўғрилиқ каби инсоний фазилатларни куйлайди, худбинлик, бахиллик, шафқатсизлик, бевафолик ва эгрилик каби хислатларни қаттиқ қоралайди. У кишилар билан муносабат ҳақида ўғит бериб:

Ҳар кишининг тавриға лойиқ керак.
Сурати холиға мувофиқ керак.

Кимки улуғроқ анга хизмат керак,
Улки кичикроқ анга шафқат керак,¹⁶

дейди. Шоир ёшларни ота-онанинг хизматини бажаришга, ота-онани ҳурмат қилишга чақиради, ота ва онани бирини ой, бирини қуёш деб ҳисоблайди.

«Ҳайратул аброр» нинг кўпгина байтлари чуқур мазмундорлиги ва бадий мукамаллиги билан ҳикматли сўзлар даражасига кўтарилган, айрим саҳифалар гўё бутунлай ҳикматли сўзлар тизмасидан вужудга келган. Навоийнинг ҳикматли сўзлари халқ мақолларига шунчалик ўхшашки, айрим мақоллар Навоийнинг ҳикматли сўзларига айланиб кетганидек, шубҳасиз, унинг айрим ҳикматли сўзлари халқ мақолларига айланиб кетган.

¹⁵ Алишер Навоий, Хамса, Т., 1960..158-бет

¹⁶ Алишер Навоий, Хамса, Т., 1960. 213-бет.

«Хамса» нинг иккинчи достони «Фарҳод ва Ширин» севги ва садоқат, меҳнат ва ижодкорлик, ватанпарварлик ва қаҳрамонлик достонидир. Олижаноб инсоний фазилатларни, умумбашарий орзу-интилишларни тараннум этган бу асар ўзбек классик адабиётининг янги ва улкан бир асари бўлиши билан бирга, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабий анъаналари тараққиётида ҳам янги ҳодиса, катта босқич бўлди. Навоий хамсачилик анъанасидан мустаҳкам ўрин олган «Хисрав ва Ширин» ўрнига янги мавзу ва муаммолар, янги мазмун ва ғоялар, янги образ ва характерларнинг бадиий тажассуми бўлган «Фарҳод ва Ширин» достонини яратди.

Хисрав ва Ширин образлари маълум тарихий заминга эга. Улар ҳақида тарихий воқеалар билан деярли бир вақтда кўпгина афсона ва ривоятлар пайдо бўла бошлаган эди. Ёзма адабиётда Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий ва бошқалар Хисрав ва Ширин ҳақида достон яратганлар. Навоий бу салафларни мақтайди, уларнинг санъаткорлигига юксак баҳо беради. Лекин, шу билан бирга, уларнинг асарларидаги камчиликларни холисона танқид қилади. Хусусан, Хисравнинг ижобий қаҳрамон сифатида таъриф ва тавсиф этилиши Навоийнинг қаттиқ эътирозини туғдиради. Унингча, ишқда беқарор, худбин ва маишатпараст Хисрав мактовга сазовор эмас; Хисрав қилмишларига яраша жазоланиши керак, унинг тимсолида золим ва худбин подшолар шафқатсиз фош этилиши лозим; Хисрав ва Хисравларга қарши инсоннинг энг олий фазилатларини жам этган янги, комил кишилар образини, Хисравлар дунёсига қарши инсониятнинг асрий орзу-армонларини ифодалаган янги дунё яратиш керак. Шунинг учун ҳам Навоий тамомила янги достон яратишга киришади. Навоий севги, садоқат, меҳнатсеварлик, ижодкорлик, дўстлик, ватанпарварлик ва қаҳрамонлик ҳақидаги фикр-ўйлари ва орзу-интилишларини, хусусан достоннинг бош қаҳрамони Фарҳод образида мужассамлаштиради.

Ёзиб жон мусхафидин¹⁷ икки оят,
Дебон Фарҳоду Шириндин ҳикоят,¹⁸

деган шоир ўз достонига «Фарҳод ва Ширин» номини беради.

Навоий достони деярли Фарҳоднинг туғилиши билан бошланиб, унинг вафоти билан тугалланади. Навоий Фарҳоднинг бутун ҳаёти ва кураш йўлларини ҳикоя қилади. Фарҳод гўдаклик палласидаёқ ижобий хислатларга эга бўлади. У зўр ҳавас билан ўқийди, жисмоний ва ҳарбий машқлар билан ҳам шуғулланиб, чиниқади. У ўзининг заковат, куч-қувват ва маҳорати билан кишиларни ҳайратда қолдиради. Шу билан бирга, Фарҳод ниҳоятда камтар киши. Шаҳзодалик, отасининг молу давлати, салтанати уни маҳлиё қилмайди. У ўзини оддий кишиларнинг бири, деб ҳисоблайди ва мазлум халқни чин кўнглидан севиб, уларнинг дардига малҳам бўлишга интилади.

Устозларидан илм ва Қорун ҳамда Монийлардан ҳунар ўрганган Фарҳод илм ва ҳунарни ҳаёт билан боғлайди, киши ўз илми ва ҳунарини омманинг манфаатига хизмат эттириши лозим, деб ҳисоблайди. Ойнаи жаҳонда Ширин тимсолини кўриб ошиқ бўлган Фарҳод уни излаб, машаққатли кўп саргузаштлардан кейин Арманистонга келади. У тоғда канал қазиш учун ниҳоятда қийналиб ишлаётган мингларча кишиларни кўрар экан,

Ҳунарни асрабон неткумдур охир,
Олиб туфроққа му кеткумдур охир,¹⁹

деб тоғ қазувчиларга бош бўлиб ишлайди, мўъжизалар кўрсатади. Фарҳод бошчилигида қисқа бир муддатда катта ҳовуз қазилади, ариқ-канал очилади. Ариққа «Наҳрул ҳаёт» («Ҳаёт дарёси»), ҳовузга «Баҳрун нажот» («Нажот денгизи») деб ном қўйилади:

¹⁷ М у с х а ф – Китоб, рисоалар тўплами. «Навоий асарлари луғати» Т.: 1972. 368 бет.

¹⁸ Алишер Навоий, Хамса, Т., 1960. 478-бет

¹⁹ Алишер Навоий, Хамса, Т., 1960. 356-бет.

Ариққа қўйдилар «Нахрул ҳаёт» исм,
Фалакваш ҳавзга «Баҳрун нажот» исм²⁰.

Навоийнинг айтишича, сув – ҳаёт, нажот манбаидир. Шунинг учун ҳам ариқ ва ҳовузнинг тайёр бўлиши халқ байрами, халқ тантанасига айланади. Бу Навоийнинг орзуси эди, у қачон бўлмасин халқнинг сувга маъмур бўлишига ишонар эди.

Фарҳоднинг меҳнат ва ижодкорликда эришган муваффақиятларининг асосий сабаби унинг илми, ақли ва иродасидир. Фарҳод:

Деди: Ҳар ишки қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.

Улум ичра манго то бўлди мадҳал²¹,
Топилмас мушқуле мен қилмаган ҳал²².

Фарҳод юрт ободонлиги, эл фаровонлиги учун курашади. У Ширинни севиш билан бирга, Шириннинг юрти ва элини ҳам севади. Арманистонни золим Хисравнинг ҳужумидан мардларча ҳимоя қилади. Душман Фарҳодни куч билан енголмай, уни ҳийла билан асир қилади. Фарҳод асирликда ҳам руҳсизланмайди. У иродаси ва ақл-заковати билан Хисравни маънавий мағлуб этади. Фарҳод ўз юртидан узоқда, душманнинг макр ва ҳийла тузоғида ҳалок бўлади. Лекин у охириги нафасигача ҳам адолатнинг тантанасига ишонади. У дўстлари билан ғойибона хайрлашар экан, уларга Хисравни енгиб, адолат ўрнатишни васият қилади. Дарҳақиқат, Фарҳоднинг кўкалдоши Баҳром, дўсти Шопур Хисравнинг ўғли бўлмиш Шеруяни тормор этиб, Арманистонда осойишталик ва адолат ўрнатадилар.

²⁰ Алишер Навоий, Хамса, Т., 1960. 395-бет.

²¹ М а д ҳ а л – кириш, кирар жой. “Навоий асарлари луғати” Т.: 1972. 351 бет.

²² Алишер Навоий, Хамса, Т., 1960.432-бет..

«Фарҳод ва Ширин» да яхшилик билан ёмонлик, маърифат билан жаҳолат, қаҳрамонлик билан мунофиқлик, адолат билан разолат ўртасида узлуксиз кураш боради. Яхшиликни Фарҳод, Ширин, Меҳинбону ва Шопур каби образлар сиймосида мужассамлаштирган Навоий Хисрав, Шеруя, Бузургуммид ва бошқа салбий образлар орқали инсон учун, инсоният учун офат келтирувчи ёвуз кучларни тасвирлайди. Булар ҳар қандай яхшилик, чин инсоний фазилат ва улуғ мақсадларнинг ашаддий душмани, ўз шахсий манфаати йўлида ҳеч қандай қабоҳат ва разолатдан қайтмайдиган кишилардир. Навоий бу образлар воситасида ўз давридаги зулм-зўрликларини кўрсатади, ўзаро феодал урушларни, шахзодаларнинг тож-тахт талашларини қаттиқ танқид қилади.

Халқ афсоналари асосида яратилган «Лайли ва Мажнун» достонида Навоий феодал муносабатларнинг тазйиқи, заҳарли таъсири натижасида бир-бирига етиша олмай ҳалок бўлган Лайли ва Мажнуннинг мусибатли саргузашти ва фожиасини ҳикоя қилади.

Феодал муҳит инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини топтаган, даҳшатли қонун-қоида ва урф-одатларни жорий қилган эди. Кишилар инсоний сифат ва хислатлари билан эмас, балки насл-насаби, мол-мулки ва мансаби билан баҳоланар эди. Айниқса, хотин-қизларнинг аҳволи ва тақдири мудҳиш эди. Улар рўзгор чўриси, чордевор тутқини эдилар. Никоҳ никоҳга кирувчиларнинг хоҳиши билан эмас, ота-оналарнинг амр-иродаси билан бўлар эди. Лайли ва Қайснинг севгиси мана шундай мудҳиш одатларга, адолатсиз қоидаларга тўқнаш келади. Лайлининг отаси ўзидан кичикроқ қабила бошлиғининг ўғли Қайсга қизини беришни истамайди, уни бадавлат ибн Саломга узатмоқчи бўлади.

Фарёдки ўлгудек ғамим бор,
Тонг йўқ гар ўзумга мотамим бор,²³

²³ Алишер Навоий, Хамса, Т., 1960. 374-бет.

деб Лайли бағрини тирнайди, Қайс (Мажнун) дашт-биёбонда сарсон-саргардон бўлади. Қаттиқ руҳий азобда қолган Лайли ҳам, Қайс ҳам хўрлик-зорлик билан ҳалок бўладилар. Навоий Лайли ва Мажнунларнинг мусибатли саргузашти ва фожиали тақдирини тасвирлаш орқали феодал муҳитнинг шафқатсиз урф одатларига, жабр-ситамларига қарши исён қилиб, инсоннинг эрки, севиш ва севилиш ҳуқуқини ҳимоя қилади

«Хамса» нинг тўртинчи достони «Сабъаи сайёр» ишқий-саргузашт достондир. Шу нуқтаи-назардан «Сабъаи сайёр» «Хамса» нинг бошқа достонларидан тубдан фарқ қилади. У халқ эртақларида бўлганидек, «ҳикоя ичида ҳикоя» усулида яратилган. Достон Баҳром ва Дилором ҳақидаги қолипловчи ҳикоя ва унга боғланган етти мустақил ҳикоядан иборат.

«Сабъаи сайёр» нинг қолипловчи Баҳром ва Дилором ҳикоясида ошиқ-маъшукнинг севги саргузашти баён қилинади. Баҳром – подшо. Дилором – санъаткор, гўзал қиз. Баҳром аввал одил бўлган, кейинчалик айшу ишратга берилиб, мамлакатнинг тақдирига бефарқ қарайди. Ишратпараст Баҳром ҳалок бўлади, овда уни «ер ютади». Навоий Баҳромнинг фожиаси билан ўз давридаги ҳукмдорларни огоҳлантириб, уларни инсофли ва адолатли бўлишга чақиради. Бош ҳикоядаги Дилором – қалби соф қиз, санъаткор, лекин ҳуқуқсиз. У Чин савдогари томонидан Баҳромга сотилади. Шафқатсиз Баҳром уни бепоён чўлда ўлим қучоғига ташлайди. Тасодиф билан омон қолган бегуноҳ Дилором охири ов вақтида Баҳром билан ҳалок бўлади.

Навоий етти ҳикоядаги Ахий, Фаррух, Саъд, Масъуд, Мехр, Суҳайл, Муқбил каби образлар воситаси билан одиллик, ростгўйлик, тўғрилиқ, қаҳрамонлик, саҳийлик, меҳмондўстлик каби фазилатларни тарғиб қилиб, Жайпур, Жобир, Мудбир каби образлар билан мунофиқлик, золимлик ва худбинлик каби иллатларни фош этади.

«Садди Искандарий» («Искандар девори») қаҳрамонлик эпопеяси, Навоийнинг ижтимоий-сиёсий қарашларининг ёрқин кўзгусидир. Адолатли ва маърифатпарвар подшо бошчилигидаги марказлашган давлат учун кураш

«Садди Искандарий» нинг бош ғоявий мотивидир. Лирик асарларида, «Ҳайратул аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи сайёр» дostonларида бу масалага алоҳида эътибор бериб, ижобий ва салбий подшоҳлар образини яратган Навоий, «Садди Искандарий» да адолатли ва маърифатпарвар подшонинг мукаммал қиёфасини кўрсатиш, ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашлари ва идеалларини бадий мужассамлаштириш вазифасини ўз олдига қўяди.

Навоий дostonининг бош қаҳрамони Искандар тарихий шахс Александр Македонский бўлмай, айрим ўхшашликлари (номи, юрти, айрим юришлари) га қарамай, Навоий орзусидаги одил ва маърифатпарвар подшонинг бадий образига айланади. Навоий Искандарнинг мураккаб ва хийла зиддиятли ҳаёт йўли ва фаолиятини тасвирлайди. Искандар кечмиш ходиса ва зиддиятлардан хулоса чиқариб, адолат ва маърифатнинг курашчиси ва кўрикчиси сифатида камол топади, ўз юртида ҳам, ўзга юртларда ҳам осойишталик ва адолат ўрнатади. Қирвон ўлкасида халқни «яжуж-маъжуж» деб номланган ваҳшийларнинг ҳужумидан сақлаш учун девор қурдиради. Осойишталик ва тинчлик девори – Садди Искандарийни турли ўлка фарзандлари бино этади. Искандар ўлкаларни обод этади, олимларнинг маслаҳати билан иш тутиб, илмий ихтироларда ҳам ташаббус кўрсатади.

Навоий ўз давридаги феодал ўзаро урушларни кўзда тутиб айтган эди:

Бу гўё жаҳон ичра тўфон эрур,
Ки андин жаҳон аҳли вайрон эрур.

Не тўфон, бало баҳри чайқолмоғи,
Жаҳон аҳли сув остиға қолмоғи...²⁴

²⁴ Алишер Навоий, Хамса, Т., 1960. 245-бет.

Искандар эса уруш-юришларни бартараф этиб, жаҳонда осойишталик ўрнатади. Навоий Искандар образи билан ўз давридаги ҳукмдорларга таъсир этиб, уларни Искандардан ўрнам олишга чақиради.

Алишер Навоий икки йилдан бир оз зиёдроқ вақтда «Хамса» ни ёзиб тугатади, жаҳон адабиёти хазинасига ғоявий-бадиий юксак обида армуғон қилди, ўзи таъкидлаганидек, Фирдавсий, Низомий, Хисрав Деҳлавий ва Жомий каби доҳий санъаткорлар қаторидан фахрли ўрин олди.

I.БОБ: АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “ХАМСА” АСАРИДАГИ ИЖТИМОЙИ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ МУҲИМ ХУСУСИЯТЛАРИ, ҒОЯВИЙ МАНБАЛАРИ ВА ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ.

I.2 §. Мутафаккирнинг ахлоқий қарашларининг ғоявий манбалари ва фалсафий асослари.

Алишер Навоийнинг “Хамса” асарини дostonлар тўплами сифатида яратилиши ғоявий манбалари қаторига аввало Навоийнинг дунёқарашини шакллантирган унгача бўлган хамсанавислар қолдирган анъаналар ва Навоий даври ижтимоий-сиёсий шароити киритилиши мумкин. Лекин, биз масалани “Хамса” асаридаги ахлоқий қарашларнинг ғоявий манбалари ва фалсафий асослари, деб қўяр эканмиз, бу жиҳатдан юқоридаги манбалар камлик қилади ва улар воситасида бу ишимизни ёритадиган бўлсак, масаланинг моҳиятига етиб бора олмаймиз.

Демак, “Хамса” асари ўз мазмун моҳиятига кўра, ахлоқий қарашларни ҳам акс эттирадиган бўлса, биз қуйидагиларни ғоявий манба сифатида келтириб ўтишимиз мумкин:

Биринчиси, “Қуръони карим”дир. Бизга маълумки, Навоий мусулмон кишиси сифатида Қуръон илмини яхши эгаллаган эди. Ҳатто, “Қуръон карим”ни билишлигини тарихий далиллар унинг болалик чоғларига олиб бориб тақайди.

Навоий ижодини кўздан кечирганимизда, диннинг таъсирини яққол кўришимиз мумкин. Бир жиҳатдан “Қуръони карим”да келадиган арабча ибораларни бевосита моҳирлик билан мисраларга жойлаш билан Навоий ўз қарашларини баён этган ва кўп ҳолларда эса, “Қуръони карим”да таъкидланадиган фикрларни Навоий ўз ижодига сингдира олган. Лекин савол туғилиши табиий: Навоий қарашларини Ислom дини ва “Қуръони карим”

билан чегаралаб олиш мумкинми? Балки унинг дунёқараши мусулмончиликдан ташқарига чиқиши ҳам мумкиндир? Бундай саволлар туғилишига Навоий ўз “Хамса”сида ўрин қолдирмайди. Барча дostonларда бир-бирида такрорланмайдиган “ҳамд” ва “наът” лар келтириб ўтилади. Фақат айрим жойларда мусулмон кишисини ёмон иллатларини қаламга олгандагина бундан кофир яхши қабилдага фикрлар учрайди, ҳалос.

Ахлоқий қарашлар нуқтаи-назаридан ҳадислар ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Навоий улардан ўз фикрларини ифодалашда моҳирлик билан фойдаланади.

Маълумки, Навоий шеърлари ва дostonларида илгари сурилган ахлоқий тамойиллар ҳамда ижобий қаҳрамонлар қиёфаларида тажассум топган адолат, садоқат, бурч, муҳаббат, раҳм-шафқат, мардлик, камтарлик сингари фазилатлар ҳақида кўп ёзилган. Айти пайтда, Навоий сўфийликнинг нақшбандия тариқатини маъқуллаган киши сифатида ҳам ахлоқшунослик назарияси ва амалиёти тараққиётига улкан ҳисса қўшган мутафаккирдир. У «Қаноат нақшининг ифшоси ва нақшбандия тариқатининг адоси» деган шеърда ўзи мансуб бўлган тариқатнинг тўрт тамойилини шундай тушунтиради:

Десанг хилватим анжуман бўлмасун,
Керак анжуман ичра хилват санга.

Ватан ичра сокин бўлиб сойир ўл,
Сафардин агар бўлса меҳнат санга.

Назарни қадамдин йироқ солмағил,
Бу йўл азми агар бўлса рағбат санга.

Дамингдин йироқ тутмағил хушни,
Ки юзланмағай ҳар дам офат санга.

Бу тўрт иш била рубъи маскун аро,
Чолинмоқ не тонг кўси давлат санга.

Бу оҳанг ила бўлғуси нақшбанд,
Навоий, агар етса навбат санга²⁵.

Шу ўринда нақшбандия тариқатининг асосий қоидаларига тўхталиб ўтмоқ жоиз. Юқоридаги қитъада Алишер Навоий нақшбандия тариқатининг умумфалсафий аҳамиятга эга бўлган дастлабки тамойилларини ўзига хос шарҳлаган, уларни мазкур тариқат бошловчиси Юсуф Ҳамадоний солиҳларнинг асосий қоидалари тарзида муомалага киритган:

1. Ҳуш дар дам (хар нафасда эсхуш жойида бўлиши, хушёрлик билан яшаш, ғофилликдан чекиниш).

2. Назар дар кадам (ўзгалар қадамини муҳокама қилишдан кўра ўз қадамининг пок, ҳаром-харишдан йироқ бўлишини қузатиб бориш, кадам-бақадам маънавий юксакликка эришиш).

3. Сафар дар Ватан (Ватанни кезмоқ, кезиб риёзат чекмоқ, уни севмоқ, Ватанда яшаш ҳам бир сафар эканини англамоқ).

4. Хилват дар анжуман (одамлар йиғилган жойларда, халқ орасида ички танҳоликка эришмоқ, гуноҳкорлар анжуманидан фориғ ва Тангри билан бирга бўлмоқ, ўзлигини топмоқ).

Бундан ташқари нақшбандияда Абдулҳолиқ Ғиждувоний киритган – ёд кард (ёд этмоқ), бозгашт (ортга қайтмоқ), нигоҳдошт (нигоҳ олмоқ), ёддошт (ёдда сақламоқ) ва Баҳоуддин Нақшбанд қўшган – вуқуфи замоний (замондан воқифлик), вуқуфи абадий (абаддан воқифлик), вужуди қалбий (қалбдан воқифлик) тамойиллари мавжуд. Уларнинг дастлабки тўрттаси кўпроқ соф зикрга тааллуқли бўлса, кейинги учтаси, Ҳамадоний қоидалари каби, кўпроқ фалсафий хусусиятга эга. Умуман олиб қаралганда, мазкур ўн бир тамойилнинг ҳаммасида ҳам у ёки бу даражада ахлоқий талаблар устувордир.

²⁵ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Т. 3. Т.

Хуллас, нақшбандия тариқатининг икки томони бор. Биринчиси ахлоқий жиҳати: у заминдан, халқдан, меҳнатдан узилиб қолмасликка, маърифатлиликка эришишга, жаҳолатга, зулмга қарши курашишга, бирор-бир касбнинг бошини тутишга, ўзгаларга ахлоқий намуна бўлиб яшашга чақиради. Иккинчиси илоҳий жиҳати: у ахлоқий қисмига ҳамоҳанг – покликка, Ватанни билишга, ватанпарварликка даъват этади.

Бу тариқатнинг яна «Хилватда – шуҳрат, шуҳратда офат» деган ақидаси ҳам диққатга сазовор. Хилватда фақат ўзини ўйлаб, эртадан кечгача ибодат қилишда ҳам ғараз бор: бу, биринчидан, кишининг жаннатдан энг аввало ўзи ўрин олиши учун тиришиб-тирмашиши бўлса, иккинчидан, Худога худбинлик орқали яхши кўриниш ва, учинчидан, одамлар кўзига ўзини зўр қилиб кўрсатиш, яъни шуҳрат орттириш.

Шунингдек, бу тариқат зиёлиларга жуда катта масъулият юклайди. Унинг «Агар мамлакат хароб бўлса, шохдан хафа бўлма, ҳақиқат аҳли наздида бу дарвешларнинг – зиёлиларнинг, илм аҳлининг гуноҳидир», «Ҳеч кимдан хафа бўлма ва ҳеч кимни хафа қилма», «Ўлик шердан тирик мушук афзал» сингари ҳикматлари ҳам ҳеч қачон ўз кучини йўқотмайди.²⁶

Маълумки, дилинг Худо билан, кўлинг иш билан банд бўлсин, деган шиор нақшбандия тариқатининг асосий тамойилидир. Навоий бутун умр, аввало, шахсан ўзи ана шу тамойилга амал қилди, қолаверса, деярли ҳамма асарида инсонни заминдан оёғи узилмаган қаҳрамон тарзида талқин этди. Шунинг учун ҳам Бертельс Навоийни, нафақат буюк шоир ҳамда мутафаккир, балки буюк ва покиза зот, номи бош ҳарфлар билан ёзилишга лойиқ Инсон эди, деб таърифлайди.

Навоий ўз асарларида инсон кадр-қимматини биринчи ўринга қўяди, номус, орият ва инсоний ғурур тушунчаларининг ўзига хос талқинини

²⁶ Дам бу дамдир, дам бу дамдир, дам бу дам. Академик И.Султон билан А.Шер суҳбати. «Соғлом авлод учун» журнали.

беради. «Таваккул сифати ва бетаваккуллар мазаммати» шеърида мутафаккир шоир, Яратганга таваккул қилиш ўрнига ўзини тама юзасидан шоҳлар олдида қулдек тутган ялтоқи киши, агар афсонавий Қорун бойлигини мўлжалласада, унинг насибаси бор-йўғи бир товоқ ош бўлади, дейди. Зеро, ундай одам нафси хуружида, катта даъво-мақсадларни дарҳол унутиб, олдига ташлаб қўйилган суюк билан овора бўлиб қолаверади; кичик бир товоқдаги ош учун қуллик қиладиган бундай инсон юзига улкан қозоннинг қорақуяси муносибдир:

Таваккулни улким қўюб хотирига,
Тушар шоҳ оллинда қуллуқ хавоси.

Насиби онинг бир аёқ ош эрур, бас,
Агар ганжи Қорун эрур муддаоси.

Биравким, бўлур бир аёқ ош учун қул,
Юзига керактур қозоннинг қароси²⁷.

Навоий асарлари орасида тасаввуф ахлоқида доир яна бир машҳур китъа борки, унинг ички – ботиний мазмуни алоҳида диққатга сазовор:

Камол эт касбким, олам уйидин,
Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.

Жаҳондин нотамом ўтмак биайних,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ²⁸.

Бу шеърда, юзаки караганда, гап дунёдан бирор касбнинг бошини тутмай ўтиб кетиш яхши эмаслиги ҳақида кетаётгандек кўринади. Аслида эса у, юқорида айтиб ўтганимиз – тасаввуф ахлоқшунослигининг «касб»

²⁷ Алишер Навоий, Муқаммал асарлар тўплами. Т. 3.

²⁸ Алишер Навоий, Муқаммал асарлар тўплами. Т. 3

тушунчаси билан боғлиқ. Навоий ҳазратлари бу дунёга келиб, Аллоҳ инсон учун яратган барча фазилатлар ва эзгуликларни ўзига касб қилиб олмаган, юқтирмаган киши тириклик олаmidан боши қуйи солинганича чиқиб қетади, чунки дунёдан нотамом, яъни комилликка эришмай ўтиш худди ҳаммомга кириб, ювинмай чиқиб кетиш билан баробар, дейди. Демак, улуғ мутафаккирнинг фикрига кўра, ҳар бир инсон бу дунёда Худо унга атаб неъмат сифатида яратган фазилатлар эгаси бўлмоғи, комилликка интилмоғи зарур, ана ўшандагина у ўз инсонлик бурчини бажарган, инсон деган номни оқлаган саналади.

Навоий ижодига назар ташлаганимизда унинг қарашларига муҳим манба бўлиб ҳизмат қилган тасаввуф таълимотидан Навоий фақат шу таълимотнинг бир муҳлиси сифатида фойдаланади. У таълимотни тарғиб қилиш эмас, балки унинг ёрдамида инсонлар онгига таъсир қилишни кўзлайди. Тасаввуф таълимоти намоядаларини ҳурмат билан тилга олишлик билан бирга уларни ўрناق сифатида кўрсатади ва ўзини ҳеч қачон уларни қаторига қўшмайди.

Навоийнинг “Хамса” асаридаги ахлоқий қарашларининг фалсафий асослари замирида Навоийгача Шарқнинг машҳур донишмандлари (Форобий, Ибн Сино ва бошқалар) томонидан ишлаб чиқилган ва бир тизимга солинган назарий ва амалий Шарқ ахлоқий қарашлари ётади.

II.Боб: “ХАМСА” ДОСТОНЛАРИДАГИ АДОЛАТ ҒОЯСИ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАСИ.

II.1 §. “Ҳайратул аброр” достонида адолат ғояси.

Алишер Навоийнинг “Хамса” асарининг аввали – “Ҳайратул аброр” достонида Навоийнинг бир қатор фикр мулохазалари қаторида адолат ғояси, адолатга бошловчи мисралар ҳам учрайди. Бу қарашлар достондаги бирор-бир бобда таъкидлангани ҳолда, шу бобнинг мазмун моҳиятига ҳамоҳанг тарзда баён этилади ва бобнинг ажралмас қисмига айланади.

“Ҳайратул аброр” достонида адолат тушунчаси адл, ҳақ, ҳақиқат, ростлик сўзлари воситасида ифодаланилади. Достонда “Адл” сўзига Навоий куйидагича таъриф беради:

Адлки уч ҳарф ила макрун эрур,
Ҳар бирига ўзгача мазмун эрур.

“Айн”и анинг меҳре эрур тобнок²⁹,
Зулм қаро шомини қилмоққа пок,

“Дол”и дағи давлатидин тошидур,
Дин била давлат эли муҳтожидур,

Ҳурға гису³⁰ куйиғи “лом”и бил,
Иззу шараф қушларининг доми бил³¹.

Достонда адолат ғояси ўз навбатида маълум бир жиҳатлар ила фарқланади ва уларни куйидагича ажратишимиз мумкин. Яъни достоннинг

²⁹ Т о б н о к – Нурли, порлок, мунаввар. “Навоий асарлари луғати” Т.

³⁰ Г и с у – ўрилган соч. “Навоий асарлари луғати” Т.

³¹ М а ъ н о с и: “Адл” сўзи уч ҳарф билан ёзилади. Лекин унинг ҳар биттаси ўзгача мазмунга эга. Унинг “айн” и ёндирувчи куёш бўлиб, Зулмнинг қаро шомини пок қилади. “Дол”и эса давлат ва диннинг тожи бўлиб, дин ва давлат ахллари доим унга муҳтождирлар. Охиридаги “лом”ини ҳурларни сочи деб бил: иззат ва шараф қушларни эса тузоқ деб бил. Алишер Навоий, “Мукамал асарлар тўплами” 7 том.

муножот бобларига сингдирилган Яратган томонидан ўрнатилган адолат; инсоннинг ўзига бўлган адолат, қайсики, ўзини англаши, доимо инсон мақомида туришлик, банда сифатида Яратган олдидаги бурчлари ва у берган ҳаётга адолат нуқтаи назаридан собит қадам бўлишлик; инсонларни бир-бирига адолатли бўлиши; шоҳ ва ҳокимларнинг ўз аҳолиси ва мулкига адолатли бўлиш.

Бевосита юқоридаги фикрларимизни кенгроқ ёритадиган бўлсак дostonдаги учинчи ва тўртинчи муножотга адолат таърифидан қарайдиган бўлсак бу бобларда Яратганнинг барча нарсаларни мутаносиб яратганлиги “Мукамал асарлар тўплами”дан жой олган “Ҳайратул аброр” дostonининг шарҳ ва изоҳлар қисмида баён этилган фикрларда кўришимиз мумкин: “... Оллоҳ-таоло ўрни билан қанча қаҳрли бўлса, ўрни билан шунча меҳрибон, ҳамма нарсани ажойиб мувофиқлик билан ҳаракатлантирувчи эканини, оловни яратиш билан бирга унинг муқобили сувни ҳам яратгани, ерни бино қилганда элни ҳам яратишни лозим топганини, ҳамма нарсаларни бир-бири билан боғлаб турганини, шунинг натижасида ердаги ва осмондаги ҳаёт қасри юзага келганини таъкидлайди. Худо яхши ният билан оламни шундай гўзал ва кенг қилиб яратган. Лекин буларнинг ҳаммаси ҳисоб-китобли бўлиб, унинг ихтиёридан ташқари бу оламга бир дона игна ҳам сиғмайди. У хоҳласа ҳаммасини бир дамда йўқ қилиб юбориши турган гап... Оллоҳ-таолонинг ўз бандаларига бениҳоя саховатлилиги, уларнинг тоғ-тоғ гуноҳларини бир сиқим сомондек шамолга учуриб юбора олиши ва ҳоказолар ҳақида ҳикоя қилинади. Бунда биринчи ўринда Навоий худонинг даргоҳи кенглигини, одамларга меҳрибонлигининг беқиёслигини кўзда тутиб, уни ўз бандаларига янада шафқатлироқ, узрларини ҳисобга олувчи, гуноҳларидан ўтувчи бўлишини илтижо қилиши, унинг олдида эрқаланиб, ҳадди сиғиб лабташналарга сув беришини, тўнсизларга тўн, қорни очларга овқат беришини, ўз лутфу каримидан ҳеч кимни бебаҳра қолдирмаслигини сўраши, ҳатто талаб қилиши ғоят самимий ва гўзалдир. Ўз фикрларини хулосалаб,

шоир яна бир бор худога мурожаат қилиб дейди:

Гарчи гунаҳнинг ҳаду поёни йўқ,
Айламанг раҳм ҳам имкони йўқ”³².

Навоий ўз мисраларига инсоннинг адолатли бўлишининг тағзаминидаги ўзини билиш, ҳар амалга инсонийлик билан ёндашиши, ўз умри ва ўзгалар ҳаётига раҳна солмаслик, яъни адолатсизлик қилмаслик ғояларини сингдирган.

Навъини нотик била ҳайвон қилур,
Нотику ҳайвонини инсон қилур.

Сен доғи инсон муни қилсанг гумон,
Билки ҳамон сен-сену ҳайвон ҳамон”³³.

Бу мисралар юқоридаги фикрларимизга исбот бўлишлик билан мисраларда Навоий инсонни ҳайвондан ажратувчи бирламчи жиҳатларига тўхталади. Шу билан бирга, мавзудан бироз чекинган ҳолда шуни айтиш мумкинки, бу мисраларда ҳайвон ва инсон ўртасидаги фарқлардан бири фикрни баён эта олиш сифати Навоийда сўзлай олиш эмас балки нотиклик тушунчаси қўлланилмоқда. Бизга маълумки нутқ сўзларнинг ўзаро боғланиши натижасида юзага келса, нотиклик эса инсон фикрларини ақл тарозуси билан ўлчанган ҳолати кўз олдимизда гавдаланади. Лекин, Навоийнинг фикрларини нотўғри тушунмаслик лозим. Фақат нотикларгина инсон мақомига эришадилар, дейишлик ҳам тўғри эмас. Навоийнинг бу мисраларидан шуни англашимиз мумкинки, табир жоиз бўлса, бу мисраларга чуқурроқ фалсафий мушоҳада билан ёндашадиган бўлсак, Навоий ўз нуқтаи назарида ҳамма сўзлай олиши мумкин, лекин ақл билан ўз ишига

³² Алишер Навоий, Мукамал асарлар тўплами. 7-том.

³³ Алишер Навоий, Мукамал асарлар тўплами. 7-том.

Ёндашилмаса, бу ҳолда инсоннинг ҳаёвондан фарқи йўқ, демокчидир балки. Айни пайтда ақлни ишлата олмаганларнинг мустақил фикри бўлмайди ва бундай инсонларнинг ҳар кимнинг гапига кириб кетавериши, қайсидур маънода ҳайвонийлик сифатини намоён этиб қўяди.

Навоий юқоридаги мисраларни бизнинг шу мисраларга берган таърифимизни кўзлаган ҳолда ёзган бўлса, бир жиҳатдан адолатли ечим беради, лекин Навоий дунёқариши кенг бўлганлиги боис инсонларни тўғри тушуниб қуйидаги мисраларни битади:

Ҳар кишиги хуш кўринур ўз иши,
Бир киши йўқким, деса бўлғай киши³⁴.

Бу мисраларда Навоий ҳар ким ўзича ҳақ, ҳар кимнинг ўз адолати бор, демокчи бўлади.

Инсонни ўзини англаши ва шу орқали ўзи ва ўзгаларга адолатли бўлишлик, Навоий қарашларида Ислом динидан ҳам келиб чиқиб қаралади.

Бўлмаса имон била кетмак иши,
Англаки они, деса бўлмас киши³⁵.

Бу мисраларда биз назарда тутаётган адолат ғоясида умумийлик бор. Яъни имон. Имони бор инсон, албатта, адолатли ҳам бўлади.

“Ҳамса”даги балки, Навоийнинг барча асарларида кенг ўрин ажратилган шоҳлар, подшолар, ҳокимлар – бир сўз билан айтганда юрт раҳбарларининг адолатли бўлишлиги масаласи “Ҳайратул аброр” достонида ҳам ўз аксини топади.

“Ҳайратул аброр” достонида юрт раҳбарларини адолатга чорловлар

³⁴ Алишер Навоий, Мукамал асарлар тўплами.. 7-том.

³⁵ Алишер Навоий, Мукамал асарлар тўплами. 7-том.

кўпроқ уларга бу мартаба Яратган томонидан адолатли бўлиши учун берилганлиги кўп эслатилади ва юртни адолат билан обод этиш лозимлиги каби қарашларга дуч келамиз.

Эй сўқулуб сиккаи³⁶ адл отингга,
Хутбаи давлат ўқулуб зотингга³⁷.

Бир қанча мисраларни кўздан кечирганимизда адолат бор жойда юксаклик бўлишлиги, фаровон ҳаётнинг бирламчи талаби адолат эканлиги ва адолатга энг аввало юрт раҳбарлари эътибор беришлиги таъкидланади.

Шоҳки иши адл ила бунёд этар,
Адл бузуқ мулкни обод этар³⁸.

То бани Одам била олам эрур,
Олам ичинда бани Одам эрур³⁹.

Адл ила олам юзин обод қил,
Хулқ ила олам элини шод қил⁴⁰.

Юрт раҳбарининг адолатли бўлиш тўғрисидаги фикрлари Навоий ижодида анъанага айланган Шоҳ Ғозий тимсолида бериш бу дostonда ҳам учрайди. Шоҳ Ғозий номи яхши сифатлар, адолатли шоҳ тимсолида қўлланилсада, лекин бир қанча олимлар куйидаги фикрларни билдириб ўтишган: “Академик олимимиз Ойбек Навоийнинг дунёқарашини теран англашда “Хамса”нинг илк достони “бой ва гўзал бир манба”лигини таъкидлаб, ёзган эди: “Навоийнинг “Ҳайратул-аброр”да олға сурилган ҳаёт фалсафаси яхшилик идеяларини мақташ ва танқид этиш, ёмонлик

³⁶ С и к к а – олтин, кумуш, ва чақа пул устига урилган тамға.

³⁷ Алишер Навоий, Мукамал асарлар тўплами. 7-том. Т.:

³⁸ Алишер Навоий, Мукамал асарлар тўплами. 7-том. Т.;

³⁹ Алишер Навоий, Мукамал асарлар тўплами. 7-том. Т.:

⁴⁰ М а ъ н о с и: Одамзод бор экан, олам бор экан, олам ичида одамзод яшар экан, адолат билан олам юзини обод қил, яхши хулқ билан дунёдаги одамларни шод қил.

идеяларини қоралаш ва улардан инсонларни нафратлантиришга қаратилган. Ниҳоятда яхшилик идеяллари қонун ва адолатда, ишқда, тўғрилиқда ва яна бир кўп баркамол инсоний фазилатларда тажассумланадики, шоир буларни жуда жонли, мароқли, гўзал шеърларда нақшлайди. Халққа жабр-зулм энг катта ёмонликдир. Навоий зулмни қоралайди. Лекин бу қоралаш абстракт мулоҳазаларда, ваъз-насихатларда эмас, балки халққа жабр-зулм қилувчи конкрет айбдорларни, жинояткорларни очиб беришда кўринади⁴¹.

Бу жиҳатдан дostonнинг учинчи мақолати алоҳида қимматга эга. У шоҳлар зикрига бағишланган. Навоий шоҳга қарата “Бил муниким, сен доғи бир бандасен” деркан уни кўпчиликдан “ожизу афганда” кўради. Бу ҳақиқатни қиёсий далилларда асослаб дейди:

Эрмас алар туфроғу сен нури пок,
Хилъат аларғау сенга тийра хок.

Барча жавохир била аъзода тенг,
Сурати навъи-ю ҳаюлода⁴² тенг.

Лек ҳунар ичра, камол ичра ҳам,
Хулку хушу лутфи мақол ичра ҳам.

Ҳам равиши адлу ҳам инсоф аро,
Ҳилму ҳаёу бори авсоф⁴³ аро...

Сен тушубон йўл наҳажидин⁴⁴ йироқ,
Кўпраги сендин юрубон яхшироқ⁴⁵.

Е. Э. Бертельснинг ҳукмига кўра, Навоий бу бобда шоҳлик салтанатининг характеристикасини бериб, ўз даври ахлоқининг кескин танқидига киришади⁴⁶. С. Айнийнинг фикрича, бобнинг “подшоҳ ва аркони

⁴¹ О й б е к. Мукамал асарлар тўплами. 13-том.

⁴² Ҳ а ю л о – ҳар бир нарсанинг асл модда ва моҳияти.

⁴³ А в с о ф – сифатлар, таърифлар, мактовлар.

⁴⁴ Н а х а ж – 1) тўғри йўл, очик йўл, катта йўл. 2) тарз, йўсин

⁴⁵ Алишер Навоий, Хамса

давлатнинг қилмишлари янада очикроқ” фoш қилинадиган парчаларда шоир ҳеч бир ишоратсиз очик-ойдин қилиб, оташин ва даҳшатли хитоблар билан ўз замонасининг подшоси султон Ҳусайн Бойқарога мурожаат қилади. С. Айний бу даъвони илгари сурганда мана нимага асосланади: “Ҳайратул-аброр”нинг ёзилган йили 1484 (ҳижрий 888) йил бўлиб, Ҳусайн Бойқаро ва саройдагиларнинг айш-ишратга тамоман берилиб, хазина бўшаб, ҳар кечалик айш учун ҳар куни бир янги зулм ижод қилиниб, уларнинг айш асбоблари муҳайё қилинадиган йилларга тўғри келади”⁴⁷

Академик В. Зоҳидовнинг қарашлари ҳам ушбу нуқтаи назарга жуда яқин...⁴⁸

Навоийнинг “Ҳайратул-аброр” достонидаги адолат тўғрисидаги фикрлари қанчалик долзарб, ахамиятли, ўз вақтида, ўз жойида кескин бўлсада, ҳаётда учраши мумкин бўлган ҳар бир жиҳатларига адолат мезони билан мушоҳада юритсада, лекин Навоий муаммолар ечимини бермайди. Адолатсизликнинг келиб чиқиш сабабларига тўхталсада, бартараф этиш мумкин бўлган фикрларини баён этмайди. Балки хулоса чиқаришни ҳар кимнинг ўзига қолдирар. Шу нуқтаи назардан айтишимиз мумкинки Навоий дунёқарашида нафақат адолатсизликнинг ечими, балки инсонларда учрайдиган барча нуқсон ва иллатларнинг ечими ўзликни англашлик билан берилади. Бу тарафдан Навоий ҳақлидир.

Ҳар неники билмасангда ўзни бил,
Ҳар неники ечимида ўзни бил⁴⁹,

⁴⁶ Б е р т е л ь с Е. Э Навои и Джами.

⁴⁷ С. А й н и й. Асарлар, 8-том.

⁴⁸ Алишер Навоий “Хамса”си, Т., 1986. Иброҳим Ҳаққуловнинг “Хамса” бадииятига доир мақоласдан, 113 бет

⁴⁹ Алишер Навоий, Хамса.

II Боб: “ХАМСА” ДОСТОНЛАРИДАГИ АДОЛАТ ҒОЯСИ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАСИ.

II.2 §. “Фарҳод ва Ширин” достонида таълим-тарбия масаласи

Алишер Навоий таълим ва тарбия соҳасида бир бутун асар яратмаган бўлса ҳам, ўзининг бу ҳақдаги фикрларини турли илмий ва адабий асарларида ифодалаган. Жумладан “Фарҳод ва Ширин” достонида ҳам.

Навоий яшаган даврда мактаб ва мадрасалардаги таълим ва тарбия ишларининг, мамлакатдаги фан ва маориф ишларининг аянчли ҳолда бўлганлиги буюк шоирнинг назаридан четда қолмайди. Шунинг учун ҳам у ўз асарларида таълим-тарбия, маориф масалалари тўғрисида фикр юритмай ўта олмади.

Алишер Навоий ўзининг таълим-тарбия тўғрисидаги фикрларини бадиий асарларида тарбияси баркамол одам идеалини ифодаловчи ижобий образлар яратиш йўли билан баён қилади: илм-маърифат, ахлоқ-одоб масалаларига доир фикрларини эса илмий-фалсафий, бадиий асарларида ақл-идрок, илм-маърифат, одоб-ахлоқнинг киши ва умуман халқ ҳаётидаги аҳамияти тўғрисидаги мулоҳазаларида баён этади.

Ақл кучига Алишер Навоий чексиз ишонади. Илм-фаннинг хислати катта, деб ҳисоблайди.

Ўрта аср мусулмон Шарқида унинг илм-маърифат ҳақида куйлаши, шубҳасиз, ғоят ижобий ҳодиса эди.

Киши фикрий фаолиятининг ҳамма соҳадаги, шу жумладан, тарбия соҳасидаги фикрлар ҳам, муайян даврнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий омиллари таъсири остида, шу даврдаги синфларнинг, умуман жамиятнинг пишиб етилган талаблари заминида туғилади.

XV асрда Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги мавжуд иқтисодий, ижтимоий, сиёсий шароитлар Алишер Навоийнинг илм -маърифат, таълим-

тарбия тўғрисидаги фикр-қарашлари, унинг бу соҳалардаги амалий фаолияти учун асосий манба бўлиб хизмат қилди; шу билан бирга, унинг ўз аср дошлари бўлган кекса авлод олим ва ёзувчиларнинг ўша даврдаги маърифатчилик фаолиятлари, гуманизми ҳам Алишер Навоий дунёқарашининг таркиб топишига, кейинчалик эса, маърифатпарварлик фаолиятига таъсирсиз қолмади.

Алишер Навоий илм-маърифат, таълим-тарбияга оид фикрларида инсонпарварлик ғоялари марказий ўринда туради. Навоийнинг фикрича, инсон дунёда ҳаммадан юксак, шариф, азиз ва қадрлидир.

Меҳнаткаш одам ҳуқуқи поймол қилинган, истибдод кучайган бир даврда Навоий инсоннинг ҳуқуқи, кадр-қиммати учун кураш олиб борди.

Навоий таълим-тарбия масалаларига бўлган ўз қарашларига таяниб, бу тўғрида қуйидаги хулосага келади.

Ҳар бир оила фарзанд кўрмоғи ва уни тарбиялаб, вояга етказмоғи керак. Фарзанд – ота-онанинг ўринбосари. Фарзанд кўрмоқ, уни тарбиялаб ўстирмоқ – ҳар бир ота ва ҳар бир онанинг бурчидир:

Ҳар кимгаки тифл⁵⁰ ўлса эрур кўзи очик,
Шуғли⁵¹ билан хотири ғам андузи⁵² очик.

Бўлмоқ не ажаб базми дилфрузи⁵³ очик,
Ким тифли бор эрса, бор анга рўзи очик⁵⁴.

Инсон учун келажак авлодни яратишдан, уни тарбиялаб, келажак учун фойдали киши қилиб етиштиришдан кўра хайрли ва лаззатли нарса йўқдир.

Унингча, фарзанд “меҳри анвар” (ёруғ қуёш) дир. Уйни ёруғлантирган ва обод қилган болани Навоий – “чу фарзанд эрур жонга пайванд эрур”

⁵⁰ Т и ф л – гўдак, ёш бола. “Навоий асарлари луғати” .

⁵¹ Ш у ғ л – қуришиш, шуғуилланиш. “Навоий асарлари луғати” ..

⁵² А н д у з – олувчи, хосил қилувчи. “Навоий асарлари луғати” .

⁵³ Д и л ф у р у з – кўнгилга ўт солувчи. “Навоий асарлари луғати” .

⁵⁴ Алишер Навоий, Назмул жавоҳир, (кўл ёзма) .

дейди. Шунинг учун фарзанд кўрган ҳар бир киши – уни севиши керак.

Дарҳақиқат, барча мавжудот учун, айниқса инсон учун фарзанд жуда азиз ва шириндир. Навоий фарзандни ҳар нарсадан аъло қўяди ва севади:

Неча зодаи таъб эрур нописанд,
Кишининг ўз олида бор аржуманд,

Неча бум⁵⁵ фарзанди манҳусдур⁵⁶,
Ўз олида хуш жилва товусдур⁵⁷.

Алишер Навоий дostonларида ижобий қахрамонларнинг ёшликдан то улғайгунларигача, қандай тарбия олиб, камол топганликларини кўрсатади. Фарход, Қайс, Искандар ва бошқа ижобий образларнинг тарбияланиш, таълим олиш маъносидаги босиб ўтган йўлини, камолотга етиш босқичларини батафсил тасвирлайди. У боланинг вояга етишида, камол топишида тарбиянинг куч ва қудратига алоҳида эътибор беради. Боланинг тарбия натижасида фойдали ва етук киши бўлиб ўсишига ишонади.

Ёш болалар ҳали яхши нима-ю, ёмон нималигининг фарқига бора олмайдилар, уларнинг тушуниш, фикрлаш, муҳокама қилиш қобилияти ҳали ўсмаган бўлади. Шу сабабли бола ана шу хусусиятига кўра, бирон салбий таъсир натижасида ярамас, нотўғри йўлга тушиб кетиши мумкин. Чунки Навоий таъбирича:

Туфулият⁵⁸ айёми йўқтур шуур
Эрур таъб рою хираддин⁵⁹ нуфур⁶⁰

⁵⁵ Б у м – Бойўғли, бойқуш, бўмқуш. “Навоий асарлари луғати” .

⁵⁶ М а н ҳ у с – иши олдинга юришмаган, иши келишмаган, наҳс қилган. “Навоий асарлари луғати” Т.: 1972. .

⁵⁷ Алишер Навоий, Хамса, Т., 1960, 848-бет.

⁵⁸ Т у ф у л и я т – ёшлик, ёшлик пайти. “Навоий асарлари луғати”

⁵⁹ Х и р а д – ақл, фикр, зехн, хуш. “Навоий асарлари луғати” .

⁶⁰ Н у ф у р – қочиш, тарқалиш, хурқиб қочиш. “Навоий асарлари луғати” .

Ул айёми эрур лавҳга муқтази
Хатоға доғи саҳвға муқтази.

Недимким хирадға чу йўқ дастрас
Эрур нафс даъби ҳавоу ҳавас⁶¹

Бола ёшликдан тарбия таъсирига олинмаса, йигитлик даврида ҳам ёмон йўлга тушиб кетиши мумкин. Алишер Навоий одамнинг ўсмирлик ва йигитлик даврини таърифлаб, бундай дейди:

Туфулият ўткачки бўлди шабоб
Хирад нури солди думоғ ичра тоб.

Кишининг бу вақт иккидур ҳолати,
Эрур ақли ё нафсининг қуввати,

Агар аҳлиға қувват ўлди фузун⁶²
Бўлур яхши ишлар сори раҳнамун⁶³.

Демак, бундан болаларни жуда кичик ёшидан бошлаб тарбияламоқ даркор, деган хулоса чиқади. Тарбия инсоннинг ўзига яхши одат ва фазилатлар ҳосил қилишига ёрдам беради.

Алишер Навоий тарбиянинг кучига алоҳида эътибор бериш билан бирга кишининг қандай одам бўлиб вояга етишига таъсир кўрсатадиган бошқа омилларни ҳам унутмади. Навоийнинг фикрича, жамиятдан, одамлардан ажралиб, яққаланиб қолган ва уларнинг таъсиридан ташқарида бўлган киши инсон қаторига кира олмайди. Навоий, кимсанинг ўзи ёлғиз эсанинг хунари ҳам йўқ кабидир, чунки бир қўлдан товуш (қарс) чиққанини ким эшитган. Тоқ кишининг ҳаёти емирилади, чунки ҳеч бир вақт бир устун уйни кўтариб тура олмайди.

⁶¹ Алишер Навоий, Хамса.

⁶² Ф у з у н – ортик, зиёда, кўп. “Навоий асарлари луғати” .

⁶³ Алишер Навоий, Хамса, Т., 1960, 733-бет // Р а ҳ м а н у н – роҳнамо.

Навоий одам шахсининг таркиб топишига жамият, давлат арбоблари, кишиларнинг бир-бирига муносабати таъсир этади, деб ҳисоблайди:

Чу элга берур парвариш рўзгор
Керак мундоқ ўқ бўлса омузгор⁶⁴.

Навоий ўз асарларидаги қаҳрамонларини халқнинг бахт-саодати йўлида ҳеч қандай тўсиқдан қайтмайдиган, жасур кишилар сифатида тасъвирлайди. Фарҳод зўр ғайрат ва қаҳрамонлик билан тошу тоғларни тешиб, катта бир мамлакатни “айнулҳаёт” (ҳаёт чашмаси) билан таъмин этади, халқнинг бахт-саодати учун жонини ҳам аямайди, ҳар қандай қийинчиликларга бардош беради. Навоийнинг қаҳрамонлари ўз атрофида бўлган барча ярамасликлар, қабихликлар, фисқ-фужурларга қарши кураш олиб боради.

Алишер Навоий киши шахсининг таркиб топишида ижтимоий муҳитнинг ролини бир ёқлама тушунади. Буни В. Зоҳидов яхши таҳлил этади. У бу ҳақда шундай дейди: “Шуни қайд этиш керакки, бу масалада Навоий “мушкул аҳволга” тушиб қолади. У бир томондан, киши шахсининг таркиб топишида социал муҳит, тарбиянинг катта роль ўйнашини қайд этади: одам ёвуз бўлиб ҳам, яхши бўлиб ҳам туғилган эмас, лекин бу муҳит ва тарбия таъсири натижасида ёвуз ёки яхши бўлишга қобилятлидир; агар бу муҳит одамийлик принципларига мувофиқ бўлмаса, уни яхшилаш керак, шунинг ўзи билан одамларни яхши ва бахтли қилинади, деб ҳисоблайди. Бу билан Навоий, қисман субъективизмга қараб кетади. Иккинчи томондан, Навоийда социал муҳит тушунчаси чегаралангандир, у муҳитдан жамиятнинг моддий шароитини эмас, балки биз юқорида кўрсатганимиздек, сиёсий тузум, давлат, ҳукмдорлар ва шунинг кабиларни англайди. Навоий социал муҳитни яхшилашни субъектив факторлар – тарбияга, фанга, ақлга, маънавий

⁶⁴ Алишер Навоий, Хамса, Т., 1960, 734-бет. // О м у з г о р – ўргатувчи.

таъсир зиммасига юклайди»⁶⁵

Одам тарбия ва ижтимоий муҳит таъсири билан яхши, ёмон, Навоий ибораси билан айтганда, муносиб ёки номуносиб бўлиши мумкин. Насл-насаб боланинг тақдирига алоқадор эмас.

Навоий фикрича, яхши таълим ва тарбия олган ҳар бир киши Фарҳод каби бўлмоғи мумкин, бунинг учун аслзода ва шоҳзода бўлиши шарт эмас:

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди хаёву, адаб⁶⁶.

Бундан кишининг чинакам инсонлиги, унинг насл-насабида аслзода бўлишида эмас, балки тарбияли ва ҳаёли бўлишидадир, кишилар ҳақиқий инсонийликка таълим-тарбия йўли билан эришадилар, деган хулоса чиқади.

Алишер Навоий фикрича, тарбиянинг мақсади – ёш авлодни халқпарвар, билимли, энг яхши фазилатларга эга кишилар қилиб етиштиришдир, бунда тарбия етакчи роль ўйнайди. Шу билан бирга, у тарбия таъсирига берилувчи, қобилиятли, уқувли болалар бўлгани сингари, инжиқ, ялқов болалар бўлишлигини ҳам уқтиради, лекин бундай ёмон хулқли болаларни ҳам тарбия ва ўқитиш йўли билан тузатиш мумкинлигига ишонч билдиради. Навоий жамиятдаги айрим ахлоқий жиҳатдан нуқсонли кишиларни қайта тарбиялаш зарурлигини, бунда тарбия катта роль ўйнашини қайд етган бўлса ҳам, лекин ярамас, фосид, бузуқ, халқ зарарига ишловчи одамларни қайта тарбиялаш йўли билан тузатиб бўлмайди, дейди.

Болалар мактаб ёшига етгунча оилада тарбия олади. Болани қайси ёшдан мактабга бериш лозимлигини Навоий очиқ айтмаса ҳам, лекин унинг ўзининг ҳам, адабий асарларидаги қаҳрамонларининг ҳам қайси ёшда мактабга берилганлигини биламиз.

⁶⁵ В. Зоҳидов, Мир идей и образов Алишера Навои.

⁶⁶ Алишер Навоий, Хамса.

Оилада олган баъзи бир тайёрликлар билан мактабда ўқий бошлаган ўткир зеҳдли, қобилиятли Алишер 6 ёшлик вақтида Қуръоннинг “таборак” бобигача ўқиганини машхур тарихчи Шарафиддин Яздий ҳикоя қилади. Бундан маълум бўладики, Алишер мактабда 4 ёки 5 ёшида ўқий бошлаган, чунки эски мактабларда ўқиган қобилиятли болаларгина иккинчи йилда Қуръонни ўқишни бошлаганлар. Шунинг учун ҳам Навоийни мактабга 5 ёшидан ўқишга кирган деб тахмин этиш мумкин.

“Тарихи Рашидий” да ёзилганига қараганда, у замондаги одат бўйича, бола 4 ёшу 4 ой ва тўрт кунлик бўлганда мактабга берилар экан. Бу ёшда, яъни тўрт-беш ёш орасида болаларнинг ўқишга қобил эканликларини Навоий асарларидаги Фарҳод, Искандар ва Қайсларнинг тарбиясидан кўрамиз.

Навоийнинг фикрича, ҳар бир ота-она ўз фарзандини шу ёшдан бошлаб таълим олиш учун мактабга бериши лозим:

Қилмоқ эрур бири муаллим талаб,
Қилғали таълим анга илму адаб⁶⁷.

Алишер, ёш авлодга бериладиган билим ва тарбияни бир-бирига боғлаб олиб бориш керак, деб кўрсатади ва ўз даврида илмнинг равнақ топиши йўлида жонбозлик қилди. Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Улуғбек ва бошқа шулар каби маърифатпарвар олимларни қадрлашга, севишга давъат этди. Шу билан бир қаторда у чет эллардаги, айниқса, қадимги Юнонистондаги фан ва фалсафага катта эътибор билан қаради. У “илмлар, ҳикматлар ўлкаси бўлган Юнони” шундай таърифлайди:

Анга ким тушса очмоқ изтироби,
Бу бўлди ул муаммонинг ҳисоби:

⁶⁷ Алишер Навоий, Хамса.

Ки Юнон мулки ул фархун⁶⁸ да кишвар,
Ки ҳикмат бирла топти зебу зевар.

Ҳакимикин топиб ашколи⁶⁹ афлок⁷⁰,
Бу кишвар туфроғидан бир овуч хок.

Тоши ҳикмат элининг дурри тожи,
Гиёҳи барча иллатлар иложи.

Шимолий ҳаддида тоғидурур тунд,
Ки тиғи кўк, мисосидин эрур кунд.

Киши Юнон сари бормоқ керактур,
Инон, ул тоққа бошқармоқ керакдур⁷¹.

Навоий бу сўзлари билан илм ўрганиш учун Юнонга тарафига ҳам бориш керак, дейди.

Алишер Навоий фан учун курашда, унинг аҳамиятини тушунтиришда катта ишлар қилди. У кишиларни билимли бўлишга, илм орттиришга, ақл ва тушунчасини ўстиришга даъват этди.

Хирадмандким, соҳибирой эрур,
Хирад нуридин олам орай эрур⁷².

Ақл, илм – инсоннинг энг гўзал ва зурурий фазилатларидан биридир, шунинг учун ҳар бир инсоннинг энг муҳим бурчи – илм олишдир, деб ҳисоблайди Навоий.

Навоийнинг фикрича, илм эгаллашдан мақсад, халқ ва мамлакатнинг бахт-саодати, фаровонлиги учун хизмат этишдир: бундай олижаноб кишилар халқ ҳурматиға сазовор бўладилар, номлари халқ орасида абадий сақланади

⁶⁸ Ф а р х у н д а – кутлуғ, саодатли, бахтли, кувончли.

⁶⁹ А ш к о л – шакллар, турлар, суратлар, жинслар, навълар.

⁷⁰ А ф л о к – Фалаклар, осмон. “Навоий асарлари луғати

⁷¹ Алишер Навоий, Хамса, Т., 1960, 749-бет

⁷² Алишер Навоий, Хамса.

ва тарих саҳифасидан асло ўчмайди, дейди:

Қаю фан ким шуруъ этмаклик⁷³ анда,
Кишидин яхши от қолғай жаҳонда.

Кила олғанча ул бўлсун шиоринг –
Ки яхши от қолғай ёдгоринг⁷⁴.

Илм-фанни эгаллаш учун, Навоий фикрича, ёшлиқдан бошлаб ўқиш-ўрганиш керак. Ёшлигидан бошлаб ўқишга майл қўйган ва ҳаракат қилган одамгина илмни тўла-тўкис эгаллай олади, чунки болалар кичик ёшдан бошлаб ўқимоқ ва ўрганмоққа мойил бўладилар ва тез фурсатда кўп нарсаларни ўрганадилар.

Фарҳод ва Ширин достонида Фарҳодни 4-5 ёшга етганидан кейин уни ўқитиш учун ўз даврининг энг яхши ва донишманд кишисига берилгани таърифланди:

“Учинчи ойда саводи шаррос чикди, биринчи йилда Қуръонни ёд олди. Агар ҳар бир дарсни бир марта кўрса, ўша варақни қайтадан очиш йўқ эди. Нима сўзники ўқиса, кўнглига ва балки жон лавҳасига ёзилиб қолар эди. Бутун ўқиганлари саҳифа-басаҳифа ёдида қолар эди”⁷⁵.

Алишер Навоий мактабларда бериладиган билимлар ҳажмини ҳам, қандай билимлар бериш кераклигини ҳам аниқ кўрсатмайди. Навоий асарларидан аёнки, у ёшларнинг ўз замонидаги билимларнинг ҳаммасини билиб олиши зарур эканлигини кўрсатади. Навоий бу тўғрида ёшларга ҳам насиҳат қилади ва асарларидаги қаҳрамонларнинг ҳаммасини билимдон, етук кишилар сифатида талқин қилади. Масалан Фарҳод ҳам жуда билимдон ва кўп ҳунарлар эгаллаган донишманд бир йигит. У олим, санъаткор, тоштарош, рассом, наққош эди:

⁷³ Ш у р у ъ э т м а к – киришмоқ бошламоқ. “Навоий асарлари луғати” .

⁷⁴ Алишер Навоий, Хамса.

⁷⁵ Алишер Навоий, Хамса.

Не илму фанки бор оламда аҳсон⁷⁶,
Бу аҳсондурки ул бор анда якфан⁷⁷.

Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,
Билиб таҳқиқини⁷⁸ касб этмаган илм⁷⁹.

Ширин ҳам гўзал қиз бўлибгина қолмай, балки олима ва санъаткор эди.

Шундай қилиб, Алишер Навоий ҳар бир кишининг турли билимларни эгаллаши зурурлигини қайта-қайта таъкидлайди. Лекин у, бу билимларни ўрганиш учун зарур бўлган базани ҳисобга олмайди. Навоий билимларни ўрганиш зарурлигини қайд этиш билан чекланади, холос. У ўз замонасидаги мактаб ва мадрасалардаги мавжуд таълим системасини, мактаб ва мадрасалардаги тартибларни ўзгартириш учун дадил ҳаракат қилмайди. Лекин у бир қанча маърифатпарвар олимлар билан биргаликда мамлакатда илм ва фанни тараққий эттириш учун иш олиб борди. У ўз уйида ёки айрим олимлар уйида илмий мажлислар ўтказди, айрим олимларни асарлар ёзишга даъват этди ва рағбатлантирди. Навоий туфайли, Ҳирот шаҳарига ҳар томондан олимлар тўпланди. Ҳирот илмий марказга айланиб қолди. Атоқли олимларнинг йиғилган ўрни ва ҳурмат эгалари – фозилларнинг жойи бўлган кадрли Ҳирот шаҳрига атрофдан илм толиблари келиб, илм ола бошладилар. Ҳирот мадрасаларида Хуросон ва Ўрта Осиёдан келган кўплаб илм толиблари таҳсил олар эдилар. Навоий илмий ишлар чегарасини кенгайтириш ва ёшларнинг дунё илмларидан баҳраманд бўлишлари учун бошқа мамлакатларда таълим олишлари зарур эканлигини Фарҳод мисолида очиқ кўрсатади. Фарҳод жуда қийин ҳолга тушади. У энг муҳим масалаларни ҳал қилишда ожизлик қилади. Фарҳод кишилик

⁷⁶ А х с о н – жула яхши, энг гўзал. .

⁷⁷ Алишер Навоий, Хамса, .

⁷⁸ Т а ҳ қ и қ – Бирор нарсанинг ҳақиқатини излаш, текшириб кўриш, ҳақиқат қилиш. .

⁷⁹ Алишер Навоий, Хамса.

донишмандлигининг энг юксак чўққисини эгаллаш учун қадим фанлар маркази Грецияга боради. У ерда донишмандлар донишманди бўлган Суқротдан таълим олади. Фарҳод шу билан ўзини қийнаб қўйган масалаларни ечиш йўлини топади ва ажойиб мўъжизалар кўрсатади.

Бу билан Алишер Навоий илмларни эгаллашда ўз юртингдаги билимлар билангина қаноатланмай, дунёдаги энг илғор билимларни ҳам эгаллаш зурур, деган фикрни айтмоқчи бўлади.

III. БОБ. ИШҚ-МУҲАББАТ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ “ХАМСА” ДОСТОНЛАРИДАГИ ТАЛҚИНИ ВА УЛАРНИНГ АХЛОҚИЙ АҲАМИЯТИ.

III.1 §. “Лайли ва Мажнун” достонидаги ишқ-муҳаббат тараннуми.

Алишер Навоий «Хамса» сидаги учинчи достоннинг асосий мавзуси – Лайли ва Қайс ўртасидаги бахтсиз ва фожиали севги тасвиридир. Шоир ана шу асосий мавзунини ҳар томонлама кенг ёритишга ҳаракат қилиб, уни мавжуд ҳаёт тақозо қилган катор муаммолар, яъни тенглик ва адолат, дўстлик ва вафодорлик, эркин муҳаббат ва оила қуриш, инсоннинг озодлиги ва шахс эркинлиги каби масалаларга қўшиб ёритади, тўғрироғи шу ҳақдаги саволларга жавоб беришга интилади. Шоир ўз олдига қўйган масалаларни ечишда, уларга ўз даврининг илғор киши сифатида қараб, ўзининг гуманистик ғояларини баён этади. У феодал истебдод ҳукм сураётган бир даврда яшаб, ижод этишига қарамай, буюк бир жасорат билан инсоннинг ҳақ ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиқади. У ўз асарларида табиатнинг мўъжизаси инсон ва унинг хислат, фазилатларини чексиз улуғлайди.

Навоий ижодидаги мавзулардан бири севги мавзусидир. Бу бежиз эмас, албатта. Унинг сабаблари кўп. Бу мавзудан шоир гуманистик, ватанпарварлик ғояларини, ижтимоий қарашларини кенгрок ифодалашда энг қулай восита сифатида фойдаланади. Қолаверса, севги мавзуси анъанавий мавзулардан бўлиб, Навоий унга анъаналар талабига кўра ҳам ўз ижодидан катта ўрин беради. Бас шундай экан, улуғ санъаткор асарларида қуйлаган севги қандай моҳиятга эга эди? деган савол туғилиши табиийдир. Академик В. И. Зоҳидов ўзининг «Алишер Навоийнинг ғоя ва образлар олами» асарида Навоий ижодида талқин этилган севги уч кўринишга: оддий

(фардий), танланган ва абстракт (мистик) севгиларга бўлинишини таъкидлаб ўтади. Проф. В. Й. Зоҳидовнинг уқтиришича, Навоий ижодида куйланган севгининг объекти инсон, ватан, табиат ва унинг гўзалликлари бўлиб, шу севгининг мақсади инсон ва унинг бахт-саодати йўлида хизмат қилиш, ватанни севиш кабилардан иборатдир⁸⁰. Қисқаси, Навоий ижоди учун ҳаётий ҳақиқий севгини куйлаш характерлидир. Ҳақиқий, инсоний севги «Лайли ва Мажнун» достонининг ҳам асосини ташкил этади. Шоир ҳаётий севгини улуғлар экан, уни ҳар қандай қимматбаҳо нарсалардан афзал туришини таъкидлайди. Севги мўъжизалар яратишга қодир эканлигини кўрсатиб дейди:

Э ишқ, ғариб кимиёсен,
Бал ойинаи жаҳоннамосен.

Ҳам зотинга дарж⁸¹ кимиёлик,
Ҳам ойинаи жаҳоннамолик.

Буким сангадур бу иккидин зот,
Бир-бир қилайин икисин исбот.

Қилдим эса кимиё хитобинг,
Андин ҳам эрур бийик жанобинг.

Берди анга бу натижа гардун⁸²,
Ким мисга етишса қилғай олтун.

Инсонники халқ қилди халлоқ⁸³,
Йўқ тийнат анга, бағайри туфроқ.

Сенким анга ошнолиқ эттинг.
Туфроққа кимёлик эттинг,

⁸⁰ Заҳидов В. Й, Мир идей и образов Алишера Навои Ташкент.

⁸¹ Д а р ж – Киритиш қайд этиш. “.

⁸² Г а р д у н – Фалак, осмон, кўк. .

⁸³ Х а л л о қ – Яратувчи, Худо. “.

Олтун қилдинг узорин онинг,
Балким тани хоксорин онинг⁸⁴.

Навоий ишқ сўзини остида инсоннинг яхши ният ва орзу сари интилишларини ҳам тушунар эди. Ишқ ўтида ёнаётган инсон ўз мақсадини амалга ошириш учун ҳар қандай қийинчилик ва тўсиқларни, жонини фидо қилиб бўлса ҳам, енгишга қодир эканлигини уқтирадики, бу инсоннинг ақл-иродасига, матонат ва саботига, қудратига берилган юксак баҳодир. Улуғ санъаткор ишқ-муҳаббатни ниҳоятда юксак баҳолар экан, уни макон ва замондан ажратиб олган ҳолда тасвирламайди, балки шу ҳаёт қўйнида туғилиб, ўсиб яшаётган одам атрофидаги табиат, ҳодиса ва воқеаларга боғлаб, улар ўртасидаги қонуний, мантиқий алоқаларни тушунган ҳолда кўйлайди. Шунинг учун ҳам унинг шоҳ асарлари табиат ва жамият ҳодиса-воқеаларига бой бўлиб, уларда шоирнинг буюк идеаллари ўз ифодасини топгандир. Навоий ишқий мавзуда асарлар яратар экан, у ана шу асосий мавзудан умумий манзара сифатида фойдаланиб, ўзининг дўстлик ва садоқат, меҳнат ва ижодкорлик, ватанпарварлик ва қаҳрамонлик каби гуманистик ғояларини ҳам санъаткорона илгари суради. Гарчи Навоий томонидан кўйланган ва тасвирланган ҳодиса ва воқеалар асосан романтик характерга эга бўлса-да, уларда маълум даражада ҳаёт ва иқтисодий тузумнинг ифодаси йўқ эмас. Даврнинг кўз қулоғи бўлган Навоий ўз асарларида кўпгина илғор масалаларни кўтаради ва шу йўл билан кишиларга таъсир этиб, уларни адолатли, ростгўй, ҳаққоний бўлишга чақиради. Ўринсиз қон тўкиш, тахт таллашиб халқ бошига кулфат тушириш, турли солиқлар солиб бечора аҳолини талашларини кўрган Навоий «гардун» нинг ситамкорлигидан нолийди.

«Лайли ва Мажнун» муаллифнинг ишқий мавзуда яратган бошқа асарларидан ажралиб туради. Асарда тасвирланган

⁸⁴ Алишер Навоий, Хамса, Т., 1960, 447-бет.

Мажнуннинг Лайлига бўлган муҳаббати, юзаки қараганда, икки ёш ўртасида бўлиб ўтган воқеани эслатади. Бироқ ана шу ёшлар ўртасида юз берган севги заминида ўша даврга хос муҳим ижтимоий муаммолар ётади. Бу муаммолар бидъат-хурофотга асосланган феодал муносабатлари, тушунчалар, дунёқарашлар билан эркпарварлик, тараққийпарварлик каби илғор интилишлар ўртасидаги карама-қаршилиқдир. XV аср феодал тузуми маълум даражада унинг дунёқарашига мос келмаганлиги туфайли, хусусан, шоир инсон ва унинг ҳақ-ҳуқуқи топталганлигини кўргач, норози бўлади ва шу кайфиятини «Лайли ва Мажнун» достонида айниқса яққол акс эттиради. Шоирнинг бу ажойиб достони ўрта аср тузуми даврида илғор ғоя ва ҳаракатлар билан чиққан кишиларнинг фожиали тақдирлари тўғрисида ҳикоя қилади.

У замонларда инсоннинг эркин ҳаракат ва интилишларини чекловчи урф-одатлар, мансабдорлар манфаатини қувватловчи қонун-қоидалар мавжуд эди. Уларга кўра, кишилар ҳаётдаги барча қийинчиликларга бардош беришлари, «тақдир»га кўнишлари лозим бўлиб, унга қарши борувчи ҳар қандай киши турли бахтсизликларга йўлиқар, истибдод ҳомийлари қўлида қурбон бўлиши турган гап эди. Улуғ шоир Навоий ўз достонида, ҳаётдаги ана шундай иллатларни фош этишда Лайли ва Мажнун тўғрисида мавжуд бўлган афсонага мурожаат қилади.

Достонда жонли кишиларнинг ўзаро муносабатлари, истаклари, интилиш ва ҳаракатлари, уларнинг ички дунёларини санъаткорона очиш асосий ўрин тутаяди. Асарда тасвирланган ҳар бир шахс ва манзаранинг ҳаракати орқали кўзда тутилган идеал аста-секин очила боради. Асардаги тасвирга кўра, Қайс гўзал Лайлини кўриб, уни қаттиқ севиб қолган. Лайли ҳам олим, доно, шоир Қайсни чин юракдан севган. Аммо уларнинг самимий севгилари инсоний туйғулар хор этилган жамиятда турли хилдаги тўсиқларга учрайди: Қайс мавқеи пастроқ қабиладан бўлганлиги учун Лайлининг отаси

қизининг истаги, орзу-умидларини ҳисобга олмай, Лайлини унга (Қайсга) беришдан ор қилади. Чунки у жамиятда ҳамма нарсани бойлик ҳал қилар, бойларнинг истаган номаъқулчилик қилишга қурби етар, ҳаттоки гуноҳсиз кишиларни қонини тўкишдан ҳам қайтмас эдилар. Ўтмишда минглаб кишилар адолат ва эрк талаб қилганликлари учун феодал истебдоднинг қурбони бўлганлари сир эмас, албатта. Лайлини севган Қайс каби ақлли кишининг Мажнун деб аталиши, Қайс ва Лайли ўртасидаги севгиннинг таъкиб остига олиниши бунинг ёрқин мисолидир. Лайли ва Мажнуннинг энг катта «гуноҳ»лари шунда эдики, улар ота-оналарининг суягига сингиб кетган давр қонун-қоидалари билан келиша олмадилар. Бу тушунчалар ўртасидаги зиддиятгина бўлмай, шахс эрки билан жамият ўртасидаги қарама-қаршилик ҳам эди. Навоийнинг буюк қудрати шундаки, у реал ҳаётдаги ижтимоий тенгсизликни жонли образлар ўртасидаги тўқнашувлар воситасида фош этишга ҳаракат қилган.

Мажнуннинг Лайлини севиб қолганлиги овоза бўлгач, Лайлининг отаси Мажнунни бандга солишларини қаттиқ талаб қилади. Бани Омир қабиласининг бошлиғи ҳеч илож тополмагач арзанда ўғли – Қайснинг қўлоқларига банд солади. Мажнуннинг банд асири қилиниши илғор ғоя ва қарашлар билан чиққан кишиларнинг бандга солинишининг рамзи эди. Мажнун инсонни севиб қолганлиги учун инсоний ҳислат ва фазилатлардан маҳрум бўлган кишилар томонидан ҳақорат қилинади. Бечора ошиқ бир неча кун давомида бандда азоб чекиб, ўзини ҳар томонга ташлаб, ўтли оҳлар чекар экан, темир кишаннинг банди синади ва тутқун ошиқ озод бўлади. Навоий ана шу кичкина бир деталь орқали символик тарзда адоват адолатни ҳамиша банд ичида сақлаб қолиш кучига эга эмаслиги ғоясини олға суради. Шоирнинг тушунчасига кўра, гарчи маълум вақтгача салбий кучлар прогрессив ҳаракатларни таъкиб остига олиб, уни чеклаб қўйишга эришса-да бари бир ҳаққоният устун чиқиши аниқ. Банддан озод бўлган Мажнун ўзини ўраб олган муҳитдан норози бўлиб, ундан узоқлашади

Достонда Мажнуннинг уйдан чиқиб кетиши мантиқий асосга эгадир. Чунки биринчидан, уни «Мажнун» деб атаганлар. Иккинчидан, уни бандга соладилар ва кишилар унга таъна тошини отадилар:

Ўз ҳолида кўрмайин саломат,
Эл ҳар саридин қилиб маломат.

Ул дебки: «Санга бу не ҳавасдур».
Бу деб: «Ҳавас ўлса мунча басдур».

Бу деди: «Керак қулоғиға панд».
Ул деди: «Керак аёғиға банд»⁸⁵.

Учинчидан эса «ҳакими бедард»нинг уринишлари уни қийнаб қўйган эди. Шоир Мажнун ҳолатини тасвирлар экан, у жуда ўринли ва усталик билан ўрта асрда мавжуд бўлган даволаш усули устидан каттиқ заҳарханда қилиб дейди:

Гоҳики ёғоч олиб, уруб руст⁸⁶,
Кулгу қилибон рамидани сушт.

Чун кулгусидин топиб хижолат,
Йиғламоғи еткуруб малолат⁸⁷,

Ҳар лаҳза анга қилиб жафойи.
Кўрмак ани хастаға балойи.

Фаҳм айламайин ҳакими бедард.
Ким ўртар ани не сўзу, не дард⁸⁸.

⁸⁵ Алишер Навоий, Хамса..

⁸⁶ Руст – Маҳкам.

⁸⁷ Малолат – Малоллик..

⁸⁸ Алишер Навоий, Хамса.

Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, шоир Мажнуннинг ваҳшийлар билан «унс» тутишини, унга ачинган ҳолда, маъқул топади. Мажнуннинг одамлардан узоқлашиб кетиши, унинг ўзига хос мавжуд тузумга қарши чиқиши, исёни эди. Мажнун диққинафас турмушнинг адолатсизлиги, шафқатсизлигидан норози бўлиб, қуйидагича фиғон кўтаради:

Ким: «Бўлмаса неткай эрди будум,
Ё бўлса эди адам вужудум.

Мен хастани айламакка мавжуд
Не эрди экин қазоға мақсуд.

Жисмимға қадарки руҳ берди,
Бермаса эди не бўлгай эрди?

Чун жисмима руҳ бўлди йўлдош,
Туққон нафас ўлсам эрди, эй кош.

Маълум этибон чу ўлганимни,
Ит олиға солибон танимни.

Жонимни халос этиб анодин,
Қутқорсалар эрди минг балодин.

Жисмимни талашса эрди итлар,
Қонимни ялашса эрди итлар⁸⁹.

Достонда тасвирланган умид ва орзу ўтида ёнган ёшларнинг мақсад сари интилишларига қарамай, мавжуд зулм ва адолатсизлик уларнинг қовушишларига тўсқинлик қилади. Ўз идеалларига содиқ қолган ёшлар бошларига турли кулфатлар тушишига қарамай, курашишни давом эттирадилар. Аммо феодал тузум давридаги уларнинг ҳаракат ва

⁸⁹ Алишер Навоий, Хамса.

интилишлари муваффақият қозонолмайди. Чунки прогрессив ҳаракатларни на қонун, на давлат қўллаб-қувватлар эди. Натижада ҳаёт, ишқ билан ёнаётган ёшлар ўз мақсадларига эришолмай, чиркин урф-одат ва феодал тузумининг аёвсиз кучлари қаршилигига дуч келадилар ва унинг қурбони бўладилар.

Навоий ўз достонида юқоридагидек, фожиали воқеани ҳикоя қилар экан, у бу манзарани жуда ишонарли ва асосли тасвирлайди. Чунки зулм-истебдод ҳукм суриб турган бир даврда бундан бошқача бўлиши мумкин эмас эди. Натижада барча зиддият ва қарама-қаршилиқлар ривожланиб шу даражага етадики, улар Лайли ва Мажнунларнинг бир-бирларига етиша олмай, ўлиб кетишларига ижтимоий тенгсизлик сабабчи эканлигини кўрсатади. Навоийнинг бундай кескин чиқиши ўз даври учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлиб, ёшлар ва илғор кучларнинг турмуш ва ҳаёт ҳодиса-воқеаларига янгича қарашларини уйғотиши мумкин эди. Бундан ташқари, асар қаҳрамонларининг фожиали тақдирлари ҳам Навоий яшаб ижод этган давр учун характерли эди. Достонда тасвирланган бу мотам мингларча Лайли ва Мажнунлар ишқининг фожиаси эди.

Навоийнинг “Лайли ва Мажнун» достонида тасвирланган севги реал ва ҳақиқийдир. Буни асардаги бош қаҳрамонларнинг интилиш ва ҳаракатлари тасдиқлайди. Шоир Мажнуннинг ички кечинмаларини очар экан, кўз ўнгимизда ҳақиқий инсонга хос кечинмалар асосида ҳаракат қилаётган одам гавдаланади. Ана шу гавдаланган инсон ўзининг тақдирига бефарқ қарамай, ўз мақсадини амалга ошириш йўлида кескин кураш олиб боради. У қандайдир, қаердандир бўлган мавҳум тушунчаларга интилмайди. Балки табиат қўйнида туғилиб вояга етган инсонни кўриб, уни севиб қолади. Асарда инсонга хос изтироб тобора ривожланиб боради. Шоир Лайли ва Мажнуннинг кучли севгиларини, хаттоки, уларнинг бир-бирини кўрганларида ўзларидан кетиб қолишларини ҳам асосли равишда

умумлаштирадики, бу хислат ва хусусиятлар тўлалигича жонли инсонга хосдир. Агар буюк Низомий достонида Қайснинг дастлабки реал севгиси дoston якунида бир қадар илоҳий тус олган бўлса, Навоий достонида асло ундай эмас. Мажнун ва Лайли сўнгги нафасларигача бир-бирларидан воз кечмайдилар. Аксинча, улар ҳар бир имкониятдан фойдаланиб, бирликда ҳаёт қуришга, қовушишга интиладилар. Филология фанлари кандидати А. Конратбоев Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонида тасвирланган севги илоҳий эмаслигини таъкидлаб шундай дейди:

«Унинг дostonларидаги қахрамонлар феодад тузумига алоқадор бўлмаган бошқа, ҳаёлий, мавҳум дунёда ҳалок бўладилар. Бу ечимни айрим шарқшунослар идеалистик тарзда тушунтириб, уни дунёвий эмас платоник, илоҳий севги деб талқин қиладилар. Бу адолатдан эмас. Романтик ҳалокат шуни кўрсатадики, Навоий қахрамонлари феодад жамиятдага ижтимоий тартиблар билан келиша олмайдилар. Улар қаршилиқ кўрсатадилар. Шунинг учун ҳам Навоий ўз қахрамонлари қисматига ҳамдардлик билан қараб, озод севгини шу қадар илоҳийлаштирадики, ҳатто у ўлимдан ҳам кучли бўлиб чиқади»⁹⁰.

«Лайли ва Мажнун»нинг ўзига хос ғоявий хусусиятларидан бири севгининг идеаллаштирилишидир. Бу фақатгина шу дostonга молик бўлмай, балки Навоий ижодининг, аниқроғи романтикасининг характерли нуқтаси ҳамдир. Чунки шоир яшаб ижод этган мутаассиб замонда инсоннинг қадр-қиммати, унинг ақли, донишмандлиги, олий ҳиммати ва кишиларга нисбатан яхши муносабатлари билан белгиланмай, бойлиги ва давлати билан белгиланар эди.

Навоий феодад тузумининг ана шундай қарашлари билан келиш олмас эди. У, инсон хўрланган, унинг ҳақ-ҳуқуқлари топталган бир замонда

катта журъат билан чиқиб, инсонни, хусусан, унинг яхши фазилатларини

⁹⁰ А. Конратбаев, Великий классик узбекской литературы Алишер Навои.

чексиз улуғлади ва шу орқали табиатда зўр кучга эга бўлган инсонни мавжуд салбий қарашлардан ҳимоя қилди. Навоийнинг бундай қарашлари, айниқса, ишқ-муҳаббат мавзусида яратилган асарларида, хусусан, «Лайли ва Мажнун»да ўз ифодасини топгандир. Навоий севгини инсоннинг олий фазилати деб билар экан, бу бежиз эмас, албатта. Чунки у севгини жуда кенг маънода тушунади. У бу ибора орқали жамиятни ҳаракатга келтирувчи, ҳаётни безатувчи, тинчлик ва осойишталикка асос бўлувчи, кишиларни улуғ мақсадлар сари етаклашда уларни бирлаштирувчи, одамлар ўртасидаги низо, адоватларни йўқотувчи кучларни тушунади ва ифодалайди. Унингча ишқ кишиларни салбий фазилатлардан пок этувчи восита ҳамдир. Шунинг учун Навоий ишқ даргоҳига қадам қўйган қаҳрамонлари ўзларида барча инсоний фазилатларни мужассамлаштирган бўлиб, улар ҳаётни – яшашни кучли севган ҳолда, учрайдиган барча ёмон ҳодиса ва воқеаларга нисбатан қаттиқ ғазабланадилар.

Алишер Навоий ўз асарларида ҳақиқий ишқни чексиз улуғлайди. Шоирнинг тушунчасига кўра, пок ишқ йўлида қурбон бўлишининг ўзи ҳам кишига абадий шон ва шуҳрат келтириши мумкин. Шоир «Хамса»сининг биринчи достонида:

Ишқ сени қилса, Навоий, ҳалок,
Пок эса ўл ишқ ўлумдин не бок⁹¹,

дейди: Бу гоё «Хамса»нинг кейинги достонларида ривожлантирилган. Чиндан ҳам юқоридаги тезисга асосланган Навоий «панж ганж»да ўлмас қаҳрамон – ошиқлар образини яратди. Масалан, инсоний фазилат – севгини қадрлаган Лайли ва Мажнун, гарчи жисмонан енгилиб ўлган бўлсалар-да,

аммо руҳан абадий бўлиш шарафига эришганлар. Бундан ташқари, Навоий

⁹¹ Алишер Навоий, Хамса.

талқинидаги севгининг ўзига хос хусусият ва аҳамиятидан бири шундаки, у бойликни, миллатни, урф-одатни, эътиқодни, мансабни тан олмайди. Шоирда бундай илғор фикрларнинг пайдо бўлишида зўрликка асосланган жамиятнинг ярамас урф-одатлари, эътиқод ва қоидалари сабабчи бўлади. Чунки: Навоий даврида оила ва севги масалаларида кўп ҳолларда табақачилик ва уруғчилик удумларига амал қилинар эди. Навоий ана шундай қарашларга қарши чиқади ва бу фикрларини “Лайли ва Мажнун” достонида яна ҳам кенг ривожлантиради. Масалан, Лайли Мажнунни шунинг учун севадики, у Мажнунда ўзининг қарашларига ҳамоҳанг бўлган ва инсоний хислат, фазилатларни тўғри қадрлай оладиган, барча яхшиликлар сари ҳаракат қиладиган ўхшашликларни кўради. Лайли Ибн Саломнинг чексиз бойлигини кўзга илмайди, чунки у Ибн Саломда Мажнун характеридаги яхши фазилатларни кўрмайди. Шунинг учун ҳам Лайли «Ғарибу бехеш»ни каттиқ севганича қолади. Мажнун ҳам Лайлини, аввало қабила бошлиғининг қизи бўлганлиги учун эмас, балки ўзидек вафодор, садоқатли, инсоннинг кадр-қимматиغا етадиганлиги учун севган эди.

«Лайли ва Мажнун» достонида илгари сурилган ғоялардан яна бири садоқат ва фидокорликдир. Шоир инсон ҳуқуқи ҳар томонлама чекланган феодализм тузуми давридаги аянчли ҳаётнинг фожиали ҳолатларини ўз кўзи билан кўрар экан, унинг бутун чиркинликларига, инсонга бўлган муҳаббати ва садоқатини қарши қўйиб, инсоний фазилатни улуғлайди, даҳшатли қонун-қоидаларни эса зўр журъат билан қоралайди. Достонда тасвирланган икки ёшнинг садоқати замонасининг урф-одати доирасидан ташқари бўлиб, бу ўз синфи ва маълум давр савиясидан анча юқори кўтарилган кишиларнинг интилишлари эди. Достоннинг асосий қаҳрамонларидан бири – Мажнун ҳаётни Лайлисиз тасаввур этолмайди. У ҳамиша Лайлини ўйлайди ва куйлайди. Лайли ҳам отасининг қаҳр-азабига

қарамай, Мажнунни самимий севишини давом эттиради. У зўрлаб Ибн Саломга берилар экан, умидсизликка тушмайди, ўзининг дўсти – Мажнунга содиқ қолиш йўллари излайди. Лайли «аждаҳо» чангалига тушмаслик йўллари излар экан, Ибн Салом ножўя ҳаракат қилгудек бўлса, ўзини ҳам, уни ҳам ўлдиришга бел боғлаб, заҳарли ханжар тайёрлайди. Лайли ва Мажнуннинг самимий севги йўлидан қайтаришга қаратилган барча куч ва ҳаракатлар самарасизлигича қолаверади. Ёшлар ҳаттоки энг қийин ва оғир дамларда ҳам бир-бирларини унутмайдилар. Лайли ўлими олдида ҳам Мажнунни эслар экан, шоир бундай дейди:

Жоним Мажнун сўзида берди
Ҳаргиз Лайли дегил йўқ эрди⁹².

Мажнун ҳам ёр учун жонини беришга тайёр эканлигини билдириб Зайдга дейди:

Жон бергали бермаса кўнгил ёр,
Менда доғи жон била кўнгул бор.

Иккисини санга топшуромен.
Туфроғ аро танни ёшуромен.

Жоним эшигида айла помол⁹³,
Кўнглумни итининг олиға сол⁹⁴.

Самимий ошиқларнинг бундай ҳаракатлари, шубҳасиз, феодал тузумнинг қонун-қоидаларига қарши чиқиш эди. Афсуски, гуноҳсиз ошиқ-маъшуқлар қанчалик ҳаракат қилмасинлар, ўз мақсадларига эриша олмайдилар. Улар

⁹² Алишер Навоий, Хамса, Т., 1960. 443-бет

⁹³ П о м о л – Оёқостида қолган. “Навоий асарлари луғати” Т.: 1972. 432 бет

⁹⁴ Алишер Навоий, Хамса, Т., 1960. 403-бет.

жуда кўп азоб-укубатларга гирифтор бўлиб, бахтсизликларидан зорланадилар. Аммо улар бундай бахтсизликка олиб борувчи йўлларни бошқарадиган асосий куч нима эканлигини тушунмас, шунинг учун фалак дастидан фарёд чекар эдилар. Мажнуннинг итга қарата айтган гаплари характерлидир:

Сен мендин ўлуб вафода афзун⁹⁵,
Ҳам сидқда, ҳам сафода афзун.

Йўқса не учун фалак хироми,
Хор этти мени, сени кироми?⁹⁶

Бу шукрғаким сипехри хунхор,
Қилди сени мухтарам, мени хор⁹⁷

Ўрта аср даврида илғор кишиларнинг тақдири ана шундай аянчли бўлган. Мажнун ўз гуноҳи нимадан иборат эканлигини билмай, бошига тушган дарду балолардан нолиб дейди:

Бехост юзунга бир нигоҳим –
Тушганга менинг недур гуноҳим,

Ким мунча келиб бало бошиға,
Юз дарду бало қаро бошимға⁹⁸.

Зулм, истибдодга асосланган жамиятда, хусусан, хотин-қизларнинг аҳволи ниҳоятда ачинарли эди. Улар қанчалик ақлли, доно, иқтидорли бўлмасинлар, шариатда эрлардан паст деб қаралар ва уларга чўри —

⁹⁵ А ф з у н – Ортик, зиёда, кўп.

⁹⁶ К и р о м – Карамли, саҳоватли.

⁹⁷ Алишер Навоий, Хамса..

⁹⁸ Алишер Навоий, Хамса.

хизматкор сифатида муомала қилинар эди. Уларнинг оҳу-зорини ҳеч ким тингламасди. Хотин-қизларга зўр меҳр билан қараган шоир уларнинг даврдан норозилигини қуйидагича ҳаяжонли тасвирлайди:

Деб ким: «Недур, эй сипехри золим,
Солмоқ бу шикасталикка ҳолим.

Нахлимғаки⁹⁹ эрди зеридастинг¹⁰⁰,
Не эрди шикаст уза шикастинг?

Нахлики ушоттинг они осон,
Туфроғ ила қадди бўлди яксон.

Тортиб яна тешаи жафони,
Юз пора не эрди қилмоқ они?¹⁰¹

У яна бир жойда:

Фарёдки ўлгудек ғамим бор,
Йўқ гар ўзумга мотамим бор!¹⁰²

деб фарёд чекади. Лайлининг бу фарёди Шарқ хотин-қизларининг ўтли оҳи эди.

Бироқ шуни айтиб ўтиш лозимки, дostonда тасвирланган бахтсизликлар фақатгина оҳ-воҳ чекиш билан чекланиб қолмайдилар. Улар васлга етишиш учун имкони борича ҳаракат қиладилар. Масалан, Мажнун Лайли васлига эришиш учун Нафал насихатларига қулоқ солиб, у билан бирга қайтди. Қўйларга қўшилиб Лайли қабиласига борди. Отасининг айтганларини диққат билан тинглаб, у билан бирга қайтди. Аммо унинг бу

⁹⁹ Н а х л – Кўчат, ёш дарахт. “Навоий асарлари луғати” Т.: 1972. 412 бет

¹⁰⁰ З е р д а с т – Кимсанинг қўл остидаги, бўйсунган, тобе, қарам. “Навоий асарлари луғати” Т.: 1972. 78 бет

¹⁰¹ Алишер Навоий, Хамса, Т., 1960. 388-бет.

¹⁰² Алишер Навоий, Хамса, Т., 1960. 389-бет.

ҳаракатлари барчаси кўзланган мақсадга эришиш имконини бермади.

Алишер Навоий бу асаарида ҳаёт ҳақиқатини бадиий тўқима билан безаб акс эттириш орқали, қатор ғояларини илгари сурди.

Достонда оила ва никоҳ, самимий севги ва садоқат, дўстлик, бола тарбияси ва унинг аҳамияти, илм ва унинг фойдаси каби муҳим масалаларни кўтариб чиққан шоир уларга тегишли юксак фикрларни билдирган.

III. БОБ. ИШҚ–МУҲАББАТ ВА ИЖТИМОЙ–СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ “ХАМСА” ДОСТОНЛАРИДАГИ ТАЛҚИНИ ВА УЛАРНИНГ АХЛОҚИЙ АҲАМИЯТИ.

III. 2 §. Алишер Навоийнинг «Хамса» асаридаги ижтимоий-сиёсий қарашлари.

«Хамса» достонларида – энг йирик эпик асарларда мутафаккирнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари кенг кўламда юзага чиққан. Одил, ориф ҳукмрон ҳақидаги концепция позициясидан золим шоҳ ва унинг зўравон амалдорлари кирдикорларининг аёвсиз танқиди бутун «Хамса» бўйлаб, худди одамийлик, етук инсон идеалининг ташвиқи билан қизил ип бўлиб ўтади ҳамда хамсахонда жамиятдаги бу табақа ҳақида аниқ салбий муносабат шакллантиради. Худди одамийликни белгиловчи бош меъёр халқпарварлик («халқ ғамини ейиш») бўлганидек, Навоий талқинида, ҳукмроннинг одиллиги ҳам соф ижтимоий-сиёсий нуқта билан – унинг қўл остидаги мамлакат ободлиги ва халқ фаровонлиги билан белгиланади. Кўп қиррали ва чуқур мазмунли шу ўлчовга кўра, ҳукмдор ё маъқулланади ёки инкор этилади. Шоҳнинг одиллиги ёки золимлиги тушунчаларига ҳам шоир томонидан мана шу ижтимоий-сиёсий мазмун сингдирилган. Навоий таъбири билан айтганда, “мулки обод, халқи ғаний» бўлса, бундай ҳукмдор одил, йўқса у золим, жохил. Бу «Садди Искандарий» достонининг мана бу мисраларида ўзининг жуда равшан ифодасини топган:

Шаҳиким, анга адл бунёд ўлур,
Натижа, буким – мулки обод ўлур!

Қаю шаҳки йўқ адл ила дод анга,
Улус бирла мулк ўлмас обод анга!¹⁰³

¹⁰³ Алишер Навоий, Хамса, Т., 1960. 666, 840-бетлар.

Айтиш керакки, ўз даври талабларига, реал ҳаёт етиштирган актуал масалалар салмоғига тўла мувофиқ ҳолда Навоийнинг бутун ижодида ҳукмдор ва халқ, «улус ва мулк» мавзуи турли аспект ва қирраларда жуда кенг ишланди. Шоирнинг умумижодий фаолиятининг камолот мевалари бўлган «Хамса» ва «Маҳбуб ул-қулуб»да эса, бу мавзу чуқур ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ахлоқий йўналишига кўра, махсус боб — бўлимларда ишланди. Шуниси муҳимки, Навоий, ҳар бир конкрет ҳолатда ўз даври учун соф амалий аҳамиятга эга бўлган бу мавзунини аниқ халқчиллик нуқтаи-назаридан ёритди. Бундай принципиал ёндашувнинг туб моҳияти “Ҳайратул аброр” даги одамийликнинг бош ўлчови ҳақидаги машҳур фалсафий байтнинг шоҳлар фаолиятига мувофиқлаштирилган вариантыда баён қилинган:

Хисравий ғозийки эмасдур, даме –
Ким, емагай мулку раият ғами¹⁰⁴

Умуман Навоий дунёқарашининг халқчил моҳиятидан равшан дарак берувчи бу ғоя, айти замонда, шоир олға сураётган одил шоҳ идеалининг асосий мағзини ҳам ифодалайди. У жамиятнинг оддий аъзоларидан тортиб то ҳукмдорларигача ягона асосий талаб билан ёндашади: «мулк ва раият ғами» билан яшаш, уларнинг интилиши, орзу-истакларига қулоқ тутиш, улар манфаатларига хизмат қилиш. Одамийлик ҳам, одил шоҳлик ҳам ана шу талабга қанчалик жавоб бера олиши билан ўлчанади. «Ҳайратул аброр» достонидаги золим шоҳлар танқидига бағишланган махсус бобда ҳам, бошқа дostonларга киритилган шоҳ ва раият, ҳукмрон ва мулк мавзуларидаги ҳикоят ва кўплаб лирик чекинишларда ҳам масала худди шу тахлитда кўйилиб, шу бош мезон билан ўлчанади. «Хамса» нинг энг йирик дostonи

¹⁰⁴ Алишер Навоий, Хамса.

«Садди Искандарий» эса принципда шу ихчам халқчил ғояни кенг намоёиш қилиш асосига қурилган.

Навоий танқидининг аниқ йўналиши ва кенг ижтимоий характерини намоён этувчи «Ҳайратул аброр» достонининг учинчи мақолоти тўлалигича «зулм боғида май ичувчи» ҳукмдорлар танқидига бағишланган. Шоир ижодининг жуда кўп тадқиқотчилари (Е. Э. Бертельс, С. Айний, О. Шарафуддинов, Ойбек, В. Зоҳидов, И. Султонов, А. Ҳайитметов, Н. Маллаев ва бошқалар) бу мақолотнинг давр воқеа-ҳодисалари билан, «тирик» ҳукмдорлар фаолияти билан бевосита боғлиқ эканлигини кўплаб далилларда таъкидлаб ўтганлар. Навоий золим ва жоҳил, маишатпараст ва адолатсиз ҳукмроннинг жирканч қилмишларини шу қадар реал ва аниқ, шу қадар ҳаётий ва ишонарли тасвирлайдики, хамсахонлар дарҳол ўзларига таниш, замондош шоҳ ва амалдорлар фаолиятини кўз олдиларига келтирган бўлсалар ажаб эмас. Муҳими шундаки, бу мақолот улар онгида золим ва адолатсиз султонларга ва уларнинг зўравон, шафқатсиз амалдорларига қарши нафрат туйғусини шакллантирган, салбий муносабатни юзага келтирган. Бу жараёнда бутун достон давомида актив фаолиятда бўлган автор «мени»нинг роли бениҳоя катта. У золим ҳукмдорнинг разил қилмишларини, эл ва мамлакат бойликларини талон-тороғ этиб, маишатга берилганини, «зулм қилиш»ни асосий касб қилиб олганини халқ ва мамлакат манфаатлари, адолат ва эзгулик позициясидан туриб бир қораловчи сифатида фош этади, «сен» — адолатсиз ҳукмдор билан бевосита юзлашиб, унинг шармандасини чиқаради. Узоқ йиллар давомида сарой ҳаёти, унинг кенг омма нигоҳидан яширинган икир-чикирлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлган шоирнинг тасвири реалистик ва аниқ характер эгаллайди: оддий халққа («қосибу деҳқонлар»га) зулм ўтказувчи шоҳ амалдорлари эртадан-кечгача умрини айшу ишрат, бузукчиликда ўтказди; шоҳ қасрида майхўрлик, фитна-фасод, ифлос ишлар билан шуғулланиш бир нафас ҳам тинмайди, “майдин ҳар бир телба итга» айланади, маст-аласт

бўлиб, “барчани ўлик”дек ҳар жойларда ағанаб ётади, кайф бир оз тарқалгач “ҳар бири бир зулм билан машғул бўлиб, элга ситам дарвозасини очади” ва ҳоказо. Бундай бузуқ кайфу сафо ва маишатга кетаётган маблағ халқ мол-мулкини талон-тараж қилиш, юртни вайрон этиш ҳисобига (“зулм ила сен халқни вайрон этиб”) бўлаётганлигини таъкидлаб ўтиш жуда муҳимдир. Навоий бевосита “эл моли ва улус қони” билан суғорилган, деган катта ижтимоий-сиёсий хулоса чиқаради. Жанговар рух, сабр-тоқатсизлик ва ортиқ чидаёлмаслик оҳанглари аниқ уфуриб турган мана бу кескин мисралар эса:

Зулмунг эрур кундузу фисқинг кеча!
Зулм ила фисқинг неча бўлғай, неча?!

шиор қалам тебратган ўша феодал замонада ҳам, зулм ва истебдод ҳукмрон бўлган кейинги асрларда ҳам эзилган халқнинг адолатсизликка қарши нафрат тўла нидоси бўлиб янграйди. Худди шунингдек, Навоийга замондош бўлган хамсахонлар шоир аёвсиз шармандасини чиқарган золим ҳукмдорлар тимсолида ҳукмини ўтказаетган, талон-торож ва зўравонлик қилаётган шохни “танисалар”, унинг етакчи белгиларини қайд этсалар, кейинги аср ўқувчилари эса “ўз” золим хону бекларининг башараларини, қилмишларини кўрадилар

Ҳукмрон ва мамлакат, шох ва раият мавзуи «Хамса»нинг кўп ўринларида турли жабҳаларда кенг ишланди. «Фарҳод ва Ширин»да манфаат ва ҳайвоний ҳирс йўлида бутун-бутун ўлкаларни вайрон, ҳалқни қирғин этишдан қайтмайдиган босқинчи Хусрав шоир томонидан бошдан-оёқ қора бўёқларда чизилади: у шахс сифатида тубан, ҳар қандай разиллик ва пасткашликка тайёр, шох сифатида эса шафқатсиз, зўравон, ҳийлакор... «Сабъаи сайёр»даги Баҳром эса жуда мураккаб ва кўпқиррали образ қилиб берилган. У характери, хулқ-атвори ва қатор амалий фаолияти билан шоирга замондош ҳукмронларни эслатади. Давлат тепасида мустаҳкам ўрнашиб

олган Баҳром кўп ўтмай бузук маишат, кайфу сафога берилади, давлат ишларидан четлашади, элу юрт аҳволи билан батамом қизиқмай қўяди. Худди шундай аҳволни Заҳриддин Бобур Ҳусайн Бойқаро фаолиятида қайд этганини эсласак, масаланинг ижтимоий йўналиши ҳам, актуаллик даражаси ҳам равшанлашади.

Шуниси муҳимки, Навоий худди шу «Ҳамса»нинг ўзида ва худди шу Баҳром образи билан боғлиқ ҳолда бундай ҳалокатли йўлдан қутулиш мумкин, деган муҳим амалий ғояни ҳам ҳаётий бир лавҳа орқали олға суради. «Ҳайратул аброр»даги Баҳромшоҳ тўғрисидаги ҳикоятда овга чиққан Баҳром ночор, хонавайрон бўлган дехқон билан суҳбат чоғида ўзининг давлат ишларини унутиб, айшу ишратга берилиб, мамлакатни хароб, улусни оч яланғоч ҳолга келтирганини англайди ҳамда адолат сари юзланиб, «юртни обод, халқни шод» қилади. Бу эса ҳукмрон одиллигини белгиловчи бош меъзон эканлиги ҳақида юқорида сўзлаган эдик.

Адолатсиз, золим, маишатпараст шоҳ танқиди мавзуи Навоий даври учун қанчалик актуал, қанчалик ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик бўлса, одил, инсофли ҳукмдор ғояси ташвиқи ҳам шунчалик актуал, замонавий ва аҳамиятли эди. Аслида, биз юқорида қайд этганимиздек, золим шоҳ инкори ва идеал ҳукмдор тасдиқи — бир яхлит тушунчанинг, бир ягона ғоянинг икки кўриниши эди. Шунинг учун ҳам «Ҳамса»да одил, ориф шоҳ образининг кенг маънода ишланиши мантиқан тўла асослидир.

Ҳукмдор шахс ва давлат бошлиғи сифатида қандай хислат ва фазилатларга эга, айна замонда, қандай белги одатлардан холи бўлиши керак? Мамлакат ва давлатни бошқаришда, халқ оммаси билан муомалада нималарга амал қилиш, ўзини қандай тутиши лозим? «Юртни обод, халқни шод» этиш учун, “улус оройиши» ва «эл осойишталиги» учун қандай тадбиру чораларни кўриши, қандай сиёсат юрғатиши маъқул?

Адолатпарварлик, халқпарварлик, эл-улус ташвиш-ғамидан; огоҳлик, мамлакат ободлиги ҳақида қайғуриш — Навоий Искандарининг инсонийлик

ва шоҳлик характерини белгиловчи бош хусусиятларидан эди. Муҳими шундаки, ана шу етакчи белгилаш шоир томонидан (худди шоҳлар шаънига битилган қасидаларда бўлганидек) қуруқ деклоратив тарзда эълон қилинмайди, сунъий равишда Искандар шахсиятига тақалмайди. Аксинча, шоир Искандарнинг амалий-ижтимоий фаолияти орқали ишонарли намоёиш қилади, у қилган муҳим ишлари, кўрган тадбирлари орқали далилларда кўрсатади. Искандар одиллиги ниҳоятда реал, Навоий таъкидича, амалдаги адолат эди. Айтайлик “нимадинки халойиққа озор етса» «тамомин улус бошидан қилди дафъ” деб ёзади у. Ёмонларнинг эътибордан қолиши ва яхшиларнинг ҳурмат топиши, золим, порахўр амалдорларнинг жазоланиши йўлларни ўғри ва қароқчилардан муҳофаза қилиниши, хазина ишларидаги қирим-чиқимни қатъий назорат остига олиниши, бозорлардаги тош-тарозу, ўлчов бирликлари ва нарх-навонинг тартибга солиниши ва бошқа-бошқалар шоҳ Искандар одиллигининг бевосита халқ ва мамлакат ҳаёти билан боғлиқ аниқ кўринишидир. Искандар тахтга ўтиргач зудлик билан кўрган бу амалий тадбирларнинг ҳаммасини йирик давлат ва жамоат арбоби бўлмиш Навоийнинг изчил ижтимоий-сиёсий фаолиятида гувоҳ бўлган реал бузук аҳвол зидди ўлароқ, орзу этган ўз режалари, десак хато қилмаймиз. Гап шундаки, халқ аҳволини енгиллаштирувчи бу каби тадбиру чораларни Навоийнинг ўзи имкон доирасида амалга оширишга, «қўлидан келганча зулм найзасини синдиришга” интилган. Навоий ижтимоий фаолиятининг бу хусусияти кўплаб замондошлари томонидан қайд этилган.

Масалан, Хондамирнинг гувоҳлик беришича, «халқ устига юкланган зўр маблағлар (оғир солиқлар)ни» Навоийнинг ўзи халқ қийналмаслиги учун ўз ҳисобидан тўлаб юборарди¹⁰⁵

“Хамса”да эса халқчил шоир худди шу олижаноб вазифани кенг қўлам ва катта ҳажмда ўз ижобий қаҳрамонларига юклайди – уларнинг

¹⁰⁵ Х о н д а м и р. Макорим ул-ахлоқ.

одилликларини исботловчи, халқпарвар эканликларини кўрсатувчи муҳим далиллардан бири сифатида халқ бошидан солиқларни олиб ташлашни кўрсатади.

Навоий таъкидича, Искандарнинг одиллигидан «оз вақт» ичида мамлакат обод бўлиб, халқ фаровон ҳаёт кечира бошлайди:

Бу янглиғ чу оз вақт тузди русум
Ғаний бўлдилар адлидин аҳли Рум¹⁰⁶

Бу, албатта, реал ҳақиқатдан узоқ бўлиб, шоирнинг эзгу орзулари эди холос. Шу тариқа, бутун дoston мағзида, биринчи навбатда бой қаҳрамон Искандар шахсияти ва фаолиятида Навоий ўзининг ўша давр учун илғор (ва кўп жихатдан утопик характерда) бўлган ижтимоий-сиёсий қарашларини романтик бўёқларда юксак бадийлик билан олға сурган. Бу ўринда ҳам Навоий аниқ мақсадларни кузатган: шоир, айти замонда, мамлакатни обод ва халқни бой қилишнинг, тўкин-сочин фаровон ҳаёт тузишнинг аниқ йўл-йўриқларини, аниқ, аслида, у давр учун батамом утопик фикрларини ҳам чизиб берган, ўзига замондош ҳукмдорларга Искандар қилмишларини ибрат қилиб кўрсатиб, ўрнак олишга даъват этган.

Одил ҳукмрон идеалининг асосий белгиларини халқпарварликда ҳамда юртда адолат, намунали тартиб-интизом ўрнатиб, “элнинг ғаний” бўлишини таъминлашда кўрган шоир, айти замонда, ўша феодал ҳаёти, ўша аниқ тарихий шароит учун марказлашган давлат ғоясини ҳам олға суради. Йирик давлат арбоби сифатида кўп йиллик тажрибага эга бўлган Навоийнинг бу муҳим сиёсий масалани четлаб ўтиши мумкин эмас эди, албатта. Навоий фозиллик, орифликни адолат ва одилликнинг муҳим бир белгиси сифатида тасвирлайди. Умуман айтиш керакки, “Хамса”нинг бошқа дostonларида ҳам, хусусан, «Ҳайратул аброр»да илм-ҳикматни улуғлаш, фозилларни, хунар

¹⁰⁶ Алишер Навоий, Хамса.

соҳибларини васф этиш етакчи мавзулар даражасига кўтарилган.

“Хамса” дostonларида ёритилган идеал шахзода, идеал валиахд образларида ҳам бу масалага алоҳида урғу берилган. Ҳа, замонасидаги ижтимоий-сиёсий воқеалар марказида турган Навоий одил, ориф шоҳ моделининг ўзигина етарли эмаслигини, унинг меросхўри – бўлажак ҳукмдорнинг ҳам ҳар жиҳатдан етук, баркамол бўлиши шарт эканлигини тушунган. Ўша аниқ тарихий шароитда одил, ориф ҳукмдор идеали қанчалик замонавий, қанчалик актуал бўлса, ҳар жиҳатдан баркамол, ўқимишли, кўплаб ҳаётий ҳунарларни эгаллаган, шафқатли шахзода — валиахд идеали ҳам шунчалик замонавий ва актуал бўлиб, раият ва мамлакат тақдири билан бевосита боғлиқ соф ижтимоий-сиёсий масалалардан бири эди.

Шоҳ ота ва валиахднинг, шахзода ака-укалар, тоға-жиянларнинг тахт учун бир-бирларини ўлдиришлари, мамлакатда қирғин урушлар уюштиришлари у замонда мунтазам юз бериб турарди. Навоий кўплаб ана шундай мудҳиш воқеаларнинг гувоҳи бўлган ва ҳатто, тарихдан маълумки, уларнинг олдини олишга кўп куч сарф этган. Жумладан, Хусайн Бойқаро билан валиахд Бадиуззамон ўртасидаги бир неча бор юзага чиққан ўзаро урушни тўхтатишга астойдил ҳаракат қилган. Худди шунинг учун идеал валиахд образи аниқ амалий аҳамиятга ҳам эга эди, деб бемалол айтиш мумкин. Бежиз эмаски, Навоийнинг ўзи ёзган асарларини, жумладан, «Хамса» дostonларининг шахзодаларга, жумладан, ўша валиахд Бадиуззамонга «насиҳат, панд, ўғит» ҳам эканлигини қайта-қайта таъкидлаган.

Қисқаси, Навоий реал ижтимоий мақсадларни кўзлаб, идеал ҳукмдор образи билан бирга, унга чамбарчас боғлиқ ҳолда идеал валиахд образини ҳам чизади. Фарҳод, «Сабъаи сайёр» дostonидаги Фаррух, шунингдек, ҳали тахтга ўтирмаган Искандар шундай идеал валиахдлардир. Уларни одамийлик, халқпарварлик, олижаноблик, ақлан ва жисмоний етуклик, камтарлик ва шафқатлилик бирлаштириб туради. Улар илм-ҳунарни

мукаммал эгаллаган жасур ва андишали шахзодалар.

Навоий ҳар учала достонида, турли ҳаётӣ вазиятларга боғлиқ ҳолда шох-валиаҳд муаммосини кўяди ва бу муҳим ижтимоӣ-сиёсий масалани идеал ҳал қилади. “Фарҳод ва Ширин”да ҳоқон, «Сабъаи сайёр»да шох Жасрат ўз ихтиёрлари билан Фарҳод ва Фаррухга тахтга ўтиришни, мамлакатни адолат билан бошқаришни таклиф этадилар. Ва ҳар икки ҳолатда валиаҳд-шахзодалар ихтиёрӣ равишда тахтдан воз кечадилар, ўзларини бу масъулиятли ўринга нолайик, деб ҳисоблайдилар. «Садди Искандарий»да ҳам шу ҳолни кўрамиз: вафот этган шох ўрнига ўтиришдан валиаҳд Искандар воз кечади, камтарлик билан шохликка арзийдиган бошқа кишини топишга даъват этади... Булар тахт учун тўхтовсиз қирғинлар, фитна-фужурлар уюштирилаётган бир даврда шоир орзу этган идеал валиаҳдлар эди. Навоий бундан ҳам юқори кўтарилиб, жуда муҳим ғояни олға суради: Искандар давлатни бошқариш масаласини, шох бўлишга лойик шахс топиш масаласини бевосита халқ билан, жамиятнинг турли табақа вакиллари («шарифу вазиъ») иштирокида ҳал этади:

...Улусни йиғиб, тузди бир анжуман,

Чу яксар йиғилди шарифу вазиъ,
Сўзе қилди оғоз беҳад бадеъ:–

“...Бу ишга керактур тавоно киши,
Эмас мен киби нотавоно иши...

Сиз эмди ўзунгизга шоҳе топинг
Бу кишварга кишварпаноҳе топинг...

Анга тахту давлатни маскан қилинг,
Бошни тож бирла музайян қилинг...»

Бугина эмас. Топилажак шохга вазифалар кўяди, жумладан, у:

Бериб зулмгустарга фарсудалик,
Раиятқа еткурсун осудалик!¹⁰⁷

Лекин “анжуманга йиғилган» халқ Искандарнинг ўзининг шоҳ бўлишини қатъий талаб қилади, бошқача айтганда, улус – эл шундай қарор қилади.

Масалани бундай йўсинда кўйиш, ҳозирги жорий ибора билан айтганда, соф демократик асосларда ҳал этиш — Навоийда идеал одил шоҳ ғоясиинг концепция даражасида чуқур ишланганлигини кўрсатади. Шоҳликни халқ хоҳишига кўра, қабул қилган Искандар “йиғилган улус» олдида «халойиққа сўз» айтиб, ўзини оддий кишилар билан тенг деб эълон қилади, «тахтдан ҳам, тождан ҳам» хайиқмай «дарду ғамини» изҳор қилаверишга даъват этади, дардига адл билан малҳам беришга ваъда беради:

Қошимда сўзин арз айлар замон,
Мени бир ўзи янглиғ этсун гумон!¹⁰⁸

Бу Навоийнинг ўз даври ижтимоий онги қобиғини ёриб, ғоявий юксакликка кўтарила олганлигини кўрсатувчи далиллардан биридир...

Шоҳлар ёки тахт даъвогарлари ўртасида мунтазам бўлиб турадиган урушлар Навоий даврида ҳам мамлакат миқёсидаги жиддий ижтимоий-сиёсий масалалардан бири эди. Йирик давлат ва жамият арбоби сифатида шоирнинг ўзи ҳам бир неча бор бундай қирғинларнинг гувоҳи бўлган. Ўз ижтимоий фаолиятида қирғин келтирувчи урушларнинг олдини олишга интилган шоир бадий асарларида, биринчи навбатда, “Хамса”да уларни аёвсиз қоралаб, элу юртни вайрон этувчи катта офат сифатида рад қилади. Бу мавзу, айниқса, «Садди Искандарий»да кенг ва махсус ишланган. Шоирнинг таъкидича, урушлар заминида аввало мансабдор кишиларга хос эгоистик

¹⁰⁷ Алишер Навоий, Хамса.

¹⁰⁸ Алишер Навоий, Хамса.

интилиш, шуҳратпарастлик, молу дунёга ўчлик, жаҳолат каби ўта салбий белгилар ётади. Урушга нисбатан ўқувчида инкор ва нафрат муносабатини шакллантиришда Навоий катта бадий маҳорат намойиш этади. У бундай қирғинларнинг энг мудҳиш лавҳаларини — ота-бола, қариндош-уруғ, дўсту ёрларнинг бир-бирларини ўлдириш учун жангга киришларини жуда жонли ва таъсирчан чизади:

Адоватқа боғлаб камар икки шоҳ,
Жаҳон аҳлини айлаб икки сипоҳ.

Бори тортибон қатл учун тигн тез,
Қилиб тиг тез ўлтурурға ситез.

Ато бир тараф гар эрур, филмасал,
Яна жониб ўлса ўғулға маҳал.

Икиснға кин ўти солғай ғазаб,
Ўл ўт қон ичарга қилиб ташна лаб.

Ато жон бериб ўғлин ўлтургали
Ўғул ҳам анга тиғи кин сургали.

Қариндош топса қариндошини,
Дамодам тилаб кесгали бошини.

Тушуб ошноларға бегоналиқ,
Кетиб ҳамнишинларга ҳамхоналиқ.

Бу навъ ўлса мундоқ ики зот аро,
Не бўлғой, гумон қил, ики ёт аро?!¹⁰⁹

Қирғинбарот урушларни халқ ва мамлакат учун «офат» деб баҳолаган Навоий, бу ўринда ҳам, салбийлик зиддига ижобийликни кўяди, аслида қандай бўлиши лозимлигига ишора этади ҳамда дарҳол икки шахснинг

¹⁰⁹ Алишер Навоий, Хамса.

самимий дўстлиги, ўзаро ҳурмат-эҳтироми, вафо-садоқати, ўзларинигина эмас, балки бутун халқни қирғиндан қутқазиб қолганлиги ҳақидаги ҳикоятни келтиради. Шу тариқа, аниқ «ҳаётий мисоллар»да муҳим ижтимоий ғоя — урушларни инкори ҳамда ҳаётбахш дўстлик, тотувлик ташвиқи олға сурилади.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шу айтиш мумкинки, Алишер Навоий ўз “Хамса”сига ахлоқийлик бахш этаётганда, ахлоқий тамойилларини бирортасини ҳам назардан четда қолдирмайди. У адолат масаласи бўладими, одоб, таълим-тарбия муаммоси бўладими, ижтимоий-сиёсий фикрлар бўладими барчасига Навоий тўхталиб ўтишга ҳаракат қилган ва бу мавзулар доирасида ўз қарашларини баён этган.

Навоий ўз ахлоқий қарашларини бевосита яхши фазилатларни кўйлаш орқали ифода этиш билан бирга ёмон иллатларини кўрсатиш билан ҳам ўз фикрларини баён этади. Яхшиликларни тарғиб этишда Навоий инсонийликни олға суради, яъни унинг фикрича инсон фақат яхшиликлар билан ўз номини оқлаши, ёмонликлар эса, инсонийликдан йироқлаштириши таъкидланади.

Ахлоқийлик жиҳатидан яхши сифатларга эришиш масаласини Навоий эътиқодга олиб бориб такайди. Унинг фикрича, имонли киши барча яхшиликлири маълум маънода ўзида мужассамлаштирган бўлади. Муаммоларнинг ҳам шу нуқтаи-назардан туриб ечилишини мақсадга мувофиқ, дея таъкидлайди. Шу билан бирга агар муаммолар ечими Навоий ўйлаганидек, ҳал қилиниши назарда тутиладиган бўлганда, унинг замониғача ҳаёт гўзаллашиб, муаммолар қолмаслиги керак эди ва ахлоқ-одоб масалаларига зурурат туғилмаган ва Навоийнинг ҳам ахлоқий қарашларини юзага келишига олиб келмасди. Лекин бундай бўлмади, бўла олмаяпти. Ҳар доимгидек, ҳозирги ҳаётимизда ҳам Навоий томонидан кўтирилган барча ахлоқий масала ва муаммоларга эҳтиёж бор, яъни камчиликлар ўрни тўлганича йўқ.

Юқоридаги фикрлармизга ҳамоҳанг ҳолда Навоий ҳам фақат таълимотлар орқали инсонга таъсир қилиш етарли эмаслигини тушунган ҳолда яхшилик ва ёмонликларни пайдо бўлиши инсоннинг

Ўзига, аниғроғи унинг ақлига боғлиқ эканлиги таъкидлайди. Баъзида дин намояндалари ҳам маъносига етиб бора олмайган диний илмлар тугул, ҳатто Навоийнинг ахлоқийлик касб этган ижод намуналарини тушуниш ва англаб етолмайдиганларга, ҳар қандай таълимотлар бафойда эканлиги кўринади. Бу жиҳатдан ахлоқий тамойиллар ва уларда акс этган ҳар қандай ижодий ишлар инсон учун ўзи ҳақида хулосалар чиқариши учун восита бўлиб хизмат қилади.

Мазкур магистрерлик диссертациямиздаги II-боб биринчи фаслида баён этганимиз Навоийнинг “Ҳайратул аброр” достонидаги адолат тўғрисидаги фикрлари ҳам қанчалик долзарб, ахамиятли, ўз вақтида, ўз жойида кескин бўлсада, ҳаётда учраши мумкин бўлган ҳар бир жиҳатларига адолат мезони билан мушоҳада юритсада, лекин юқоридаги фикрларимиз нуқтаи-назирдан Навоий муаммолар ечимини бермайди. Адолатсизликнинг келиб чиқиш сабабларига тўхталсада, уларни батамом бартараф этиш мумкин бўлган фикрларни баён этмайди. Балки, хулоса чиқаришни ҳар кимнинг ўзига қолдиради..

Мазкур бобнинг иккинчи – “Фарҳод ва Ширин” достонидаги таълим-тарбия масаласи фаслида ҳам Алишер Навоий ўзининг таълим-тарбия тўғрисидаги фикрларини бадиий асарларида тарбияси баркамол одам идеалини ифодаловчи ижобий образлар яратиш йўли билан баён қилади: илм-маърифат, ахлоқ-одоб масалаларига доир фикрларини эса илмий-фалсафий, бадиий асарларида ақл-идрок, илм-маърифат, одоб-ахлоқнинг киши ва умуман халқ ҳаётидаги аҳамиёти тўғрисидаги мулоҳазаларида баён этиш билан чекланади ва бу жиҳатдан юқорида баён этганимиз ақл кучига Алишер Навоий чексиз ишонади ва муаммолар ечимини унинг ихтиёрида қолдиради.

Ишқ-муҳаббат ва ижтимоий-сиёсий қарашларнинг “Хамса” дostonларидаги талқини ва уларнинг ахлоқий аҳамияти, деб номланган III бобда ҳам биз қўйган мавзулар доирасида Навоий ўз қарашларини кўпроқ

насиҳат қилиш билан ифодалайди. Ўз фикрларини мисоллар ёрдамида очиқ беришга ва ўқувчисининг онгига таъсир қилишга ҳаракат қилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Навоий асарларидаги ахлоққа доир фикрлар хоҳ амалий ахлоққа, хоҳ назариясига тааллуқли бўлсин, улар улкан бир давр ахлоқий қарашларининг квинтэссенцияси сифатида доимо тадқиқ ва татбиққа лойиқдир. Барча даврлар учун бирдек аҳамиятли бўлган Навоийнинг қарашлари, шу билан бирга ўз даври ахлоқий манзарасини тасаввур қилишимизга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. КАРИМОВ И. А “Маънавий юксалиш йўлида” Т., Ўзбекистон. 1998.
2. КАРИМОВ И.А “Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура” Т., Ўзбекистон. 1996.
3. КАРИМОВ И. А “Ўзбекистон буюк келажак сари” Т., Ўзбекистон. 1998.
4. КАРИМОВ И. А “Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз” Т., Ўзбекистон. 1999.
5. КАРИМОВ И. А “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз” Т., Ўзбекистон. 2000.
6. КАРИМОВ И. А “Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз” Т., Ўзбекистон. 2001.
7. КАРИМОВ И. А “Юксак маънавият – енгилмас куч” Т., Маънавият 2008.
8. КАРИМОВ И.А “Бунёдкорлик йўлида”, Т., “Ўзбекистон” 1994
9. АЛИШЕР Навоий, Макамал асарлар тўплами, Т., 3-том, 1988,
10. АЛИШЕР Навоий, Макамал асарлар тўплами, Т., 7-том. 1987.
11. АЛИШЕР Навоий, Макамал асарлар тўплами, Т., 8-том 1988.
12. АЛИШЕР Навоий, Мукамал асарлар тўплами, Т., 9-том. 1992.
13. АЛИШЕР Навоий, Мукамал асарлар тўплами. Т., 10-том, 1992.
14. АЛИШЕР Навоий, Хамса, Т., 1960.
15. АБДУЛЛАЕВ В. Навоий Самарқанда. Т., 1968.
16. АБДУРАҲМОНОВ Ғ, Туркияда навоийшунослик, Т., 1966.
17. АЙНИЙ. С Алишер Навоий, 1948.
18. ЖАЛОЛОВ Т, Хамса талқинлари Т., 1960.
19. ЗОҲИДОВ В, Ўлмас халқ даҳоси. Т., 1963.
20. ЗОҲИДОВ В, Мангу ҳаёт хазинаси, Т., 1960.
21. ИСҲОҚОВ Ё, Навоий ва Амир Хусрав, Т., 1967.

22. МАЛЛАЕВ. Н. М Алишер Навоий. Т., 1965.
23. МЎМИНОВ. И, Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг ривожланиши тарихидан, Т., 1968.
24. НАВОИЙ замондошлари, Т., 1948.
25. НАВОИЙГА армуғон, Т., 1968.
26. НАРЗУЛЛАЕВА С. Алишер Навоий. Т., 1966.
27. ОЙБЕК. Навоий гулшани, Т., 1968.
28. ОЙБЕК. Навоий ҳақида. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 1961 йил 1-сон.
29. ОЛИМЖОНОВ Ҳ. Фарход ва Ширин ҳақида, Т., 1960.
30. ҒАНИЕВА С Алишер Навоий, Т., 1962.
31. ХОНДАМИР. Макорим ул-ахлоқ. Т., 1948.
32. ҲУСАНХЎЖАЕВ И. Навоий таълим-тарбия ҳақида, Т., 1963.

РУС ВА БОШҚА ТИЛЛАРДАГИ АДАБИЁТЛАР:

33. БАРТОЛЬД В. В. Мир-Али-Шир и политическая жизнь. М., 1964.
34. БЕРТЕЛЬС. Е. Э. Избранные труды, «Навои и Джами», М., 1965.
35. БЕРТЕЛЬС. Е. Э. Опыт творческой биографии, М–Л., 1948.
36. БЕРТЕЛЬС. Е. Э. Роман об Александре и его главные версии на Востоке, М–Л., 1948.
37. ЗАХИДОВ В. Й, Мир идей и образов Алишера Навои Ташкент, 1961
38. КОНРАТБАЕВ А. Великий классик узбекской литературы Алишер Навои, Вестник АН КазССР, 1948,
39. МИРЗОЕВ А. Чашми марди бузург, «Садои Шарк» 1966.

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ:

40. [www. Fan-najot.uz](http://www.Fan-najot.uz)
41. [www. O'zbek adabiyoti va san'ati.uz](http://www.O'zbek-adabiyoti-va-san'ati.uz)
42. [www. Ziyolilar.uz](http://www.Ziyolilar.uz)
43. [www. Word.com](http://www.Word.com)
44. [www. Edu.uz](http://www.Edu.uz)